Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

# XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 2015-yil 5-mart, payshanba, **10 (590)-son** | e-mail: **xxi_asr@mail.ru**, web sayt: **www.21asr.uz**

# БИЗ УЧУН ХАЛҚИМИЗ, ВАТАНИМИЗ МАНФААТИДАН УЛУҒ МАҚСАД ЙЎҚ





**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 2 март куни Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашди.**

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси раиси Я.Аллаёров очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов учрашувда нутқ сўзлаб, ўз сайловолди дастурининг асосий йўналишларига эътиборни қаратди.

Дастурда мамлакатимиз тараққиётининг энг асосий ўнта йўналиши белгилаб берилган. Жумладан, барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш, ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш, аҳоли фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва рақобатбардошлигини ошириш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик учун янада кенг йўл очиб бериш, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини қайта кўриб чиқиш, экин майдонларини оптималлаштириш ва ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш, фермерлик ҳаракатини янги босқичга кўтариш, маҳаллийлаштириш дастурларини кенгайтириш, инвестициявий муҳитни янада яхшилаш ва экспортни кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, барча давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби муҳим йўналишлар қамраб олинган.

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари ҳудудлар мисолида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Буни Самарқанд вилоятида амалга оширилган беқиёс бунёдкорлик ишларида ҳам кўриш мумкин. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бу қадим замин шуҳратини дунё узра янада кенг ёйди.

Бугун вилоят иқтисодиёти барқарор ривожланиб, аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Самарқанд автомобиль заводи, «JV MAN AUTO UZBEKISTAN», «СамАнтепгилам», «Сино», «8 Март» каби йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, туризм соҳалари изчил тараққий этмоқда.

«Нуроний» жамгармаси Самарқанд вилояти бўлими раиси Ҳ.Нормуродов, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети магистранти, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори У.Жўраева ва бошқалар «ўзбек модели» самарасида мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланган давлатга айлангани, одамларнинг турмуш даражаси, ёшларнинг дунёқараши ва маданияти тобора юксалиб бораётганини фахр билан қайд этди. Президент сайловига тайёргарлик, уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга тўла мос равишда ўтаётганини таъкидлади. Сайловчиларни 29 март куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

---

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 27 февраль куни Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашди.**

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 3-Бухоро округ сайлов комиссияси раиси М.Даминов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов ўзининг сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, аҳолининг ҳаёт сифати ва даражасини изчил юксалтириш, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш каби энг муҳим стратегик мақсадларнинг ўн йўналиши белгилаб берилган. Жумладан, саноатга замонавий технологияларни жорий қилиш ва янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, хусусий мулк ва тадбиркорлик соҳасини кенг ривожлантириш, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини қайта кўриб чиқиш, экин майдонларини оптималлаштириш ва ҳосилдорлигини ошириш, фермерлик ҳаракатини янги босқичга кўтариш, инвестициявий муҳитни янада яхшилаш, маҳаллийлаштириш дастурини ривожлантириш ва экспорт ҳажмини кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, барча давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам барча соҳаларда катта муваффақиятларга эришилмоқда. Вилоят иқтисодиёти барқарор ривожланиб, аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. 2014 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот 8,2 фоиз ўсди. Кимё, нефть-кимё, озиқ-овқат саноати, енгил саноат, қурилиш материаллари ва мебель ишлаб чиқариш соҳаларида 296 лойиҳа амалга оширилди. Қишлоқларда намунавий лойиҳа бўйича қурилган 830 дан ортиқ уй-жой фойдаланишга топширилди.

Бухоро туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга. Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, транспорт инфратузилмаси ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасида бу соҳа изчил тараққий этмоқда.

Учрашувда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи муҳандис-технологи Х.Латипов, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси, халқаро тоифадаги спорт устаси З.Санақулова, Олот туманидаги «Ойдин» кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Н.Олтиев ва бошқалар тарихан қисқа даврда мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланаётган замонавий давлатга айлангани, одамларнинг ҳаёт даражаси, дунёқараши ва маданияти тобора юксалиб бораётганини фахр билан таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик, уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга мос равишда ўтаётганини қайд этди. Сайловчиларни 29 март куни бўладиган Ўзбекистон Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

---

**Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Навоий вилояти сайловчилари билан ҳам учрашди.**

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 5-Навоий округ сайлов комиссияси раиси Ў.Мавлонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов учрашувда нутқ сўзлади.

Номзоднинг дастурида мамлакатимиз куч-қудрати, тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини ҳар томонлама юксалтиришга қаратилган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни изчил давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистоннинг дунёдаги тараққий топган давлатлар қаторидан ўрин олишида муҳим омиллардан бири бўлган хусусий мулкчиликни янада ривожлантириш, тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаси вакилларини қўллаб-қувватлаш, саноатни модернизациялашга доир ислоҳотларни янги босқичга кўтариш, иқтисодиётда давлатнинг иштирокини қайта кўриб чиқиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, инвестициявий муҳитни такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, барча давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби устувор йўналишлар ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ва модернизация жараёнлари миллий иқтисодиётимизнинг юксалишида асосий омил бўлмоқда. Навоий вилоятида кончилик индустрияси, тўқимачилик, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жадал ривожланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сафи тобора кенгайиб, маҳаллийлаштириш дастури асосида йирик лойиҳалар ўзлаштирилмоқда. Натижада хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик ўрнатилиб, экспортчи тадбиркорларни дунё танимоқда.

Янгиланиш ва ўзгаришлар нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ ва олис ҳудудларда ҳам изчил давом этмоқда. Аҳоли маданият ва дам олиш масканлари, болалар спорти иншоотлари, намунавий лойиҳадаги уй-жойлар замонавий инфратузилмани шакллантирмоқда.

Учрашувда «Навоийазот» акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари Т.Саидов ва бошқалар юртимизда ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, давлатимизнинг халқаро нуфузини ошириш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган бетимсол ишлар халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай, бахтли ва фаровон яшашига, ўз олдига қўйган улуғвор мақсадларига эришишига хизмат қилаётганини ифтихор билан таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёни кўппартиявийлик асосида, очиқлик ва ошкоралик тамойилларига амал қилган ҳолда ўтаётгани мамлакатимизда демократик ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилаётганининг амалдаги ифодаси эканини қайд этди.

3

ПАРЛАМЕНТДА

## Ҳисоб палатасининг ҳисоботи

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди**

Мазкур қонун лойиҳаси Президентимизнинг «2014-2015 йилларда Инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар дастури» ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

— Ушбу қонун лойиҳаси орқали «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида» ҳамда «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонунларга давлат хизматларини кўрсатиш учун тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатидан таъсис ҳужжатларини чиқариб ташлашни назарда тутувчи ўзгартишлар киритиш таклиф этилмоқда, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Қаҳрамон Эргашев. — Бу ўзгартишлар мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда муҳим омил бўлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги навбатдаги тадбир — Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси йиғилишида Ҳисоб палатасининг 2014 йилги фаолияти бўйича ҳисоботи кўриб чиқилди.

Унда ҳисоб палатаси Давлат дастурларининг ижроси, маблағлардан мақсадли фойдаланиш, иқтисодиёт тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш учун мўлжалланган Давлат бюджетининг самарали бажарилишини ўрганишга алоҳида эътибор қаратгани қайд этилди. Лекин палата томонидан ўтган йили бюджет маблағларидан қонуний ва мақсадли фойдаланиш бўйича ўтказилган текширувлар натижасида қатор молиявий ҳуқуқбузарликлар ҳам аниқланди.

O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг фикрича, бундай ҳолатларга йўл қўймаслик ва уларнинг олдини олиш мақсадида парламент ҳамда Ҳисоб палатаси ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, қонунчиликка, шу жумладан, қонуности ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритиш учун текширувлар якунлари юзасидан ўзаро фикр ва таклифлар билан алмашиш айни муддаодир.

Ҳисоб палатасининг 2014 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот муҳокамаси якунларига кўра, қуйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан бюджет назорати соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш механизмларини ишлаб чиқиш, Давлат бюджети маблағларини мақсадсиз сарфлашнинг олдини олиш бўйича амалий чоралар кўриш борасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйишга тааллуқли тавсиялар берилди.

Мажлис якунида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси Ҳисоб палатасининг 2014 йилги фаолияти ҳисоботи тўғрисидаги масалани Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритиш ҳақида қарор қабул қилди.

---



## Акциядорлар ҳуқуқларининг қонуний асослари такомиллаштирилмоқда

**O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда парламентдаги фракцияси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Корпоратив бошқарувнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш масалалари» мавзусига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**

3

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки **2015** йил **3** мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 916,75 | 1 АҚШ доллари | 2466,86 | 1 Хитой юани | 393,27 | 1 Польша злотийси | 664,85 | 1 ЕВРО | 2792,50 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3798,47 | 1 Миср фунти | 323,31 | 1 Россия рубли | 40,26 | 1 СДР | 3471,83 | 10 Жанубий Корея вони | 22,41 |
| 1 Дания кронаси | 369,72 | 1 Исландия кронаси | 18,50 | 1 Украина гривнаси | 88,85 | 1 Туркия лираси | 983,44 | 10 Япония иенаси | 205,81 |
| 1 БАА дирҳами | 671,64 | 1 Канада доллари | 1973,33 | 1 Малайзия ринггити | 680,04 | 1 Швейцария франки | 2583,64 | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

«XXI ASR» 2015-yil 5-mart, payshanba, 10 (590)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

# 29 МАРТ – САЙЛОВ КУНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ ВА ДАСТУРИ

## ТАРЖИМАИ ҲОЛ



**ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ**

Ислом Абдуганиевич Каримов 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Миллати – ўзбек. Олий маълумотли, Ўрта Осиё политехника ва Тошкент халқ хўжалиги институтларини тугатган. Муҳандис-механик ва иқтисодчи мутахассисликларига эга. Иқтисод фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида бошлаган. 1961 йилдан 1966 йилгача В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор бўлиб ишлади.

1966 йилда Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига ишга ўтиб, бош мутахассисликдан Республика Давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосаригача бўлган йўлни босиб ўтди.

1983 йилда Ислом Каримов Ўзбекистон ССР Молия министри, 1986 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Республика Давлат план комитетининг раиси этиб тайинланди.

1986-1989 йиллар мобайнида Қашқадарё вилояти партия комитетининг биринчи котиби, 1989 йилнинг июнидан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимларида ишлади.

1990 йил 24 март куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида Ислом Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди.

1991 йил 31 август куни Ислом Каримов тарихий воқеа – Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

1991 йил 29 декабрда муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

1995 йил 26 мартда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми якунларига кўра Ислом Каримовнинг Президентлик ваколати 2000 йилга қадар узайтирилди.

2000 йили муқобиллик асосида ўтган сайлов натижаларига кўра, Конституцияга киритилган ўзгартишларга мувофиқ, Ислом Каримов 7 йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

2007 йили муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

У оилали, икки фарзанди, беш нафар набираси бор. Рафиқаси Т.А.Каримова – мутахассислиги бўйича иқтисодчи, иқтисод фанлари номзоди, Ўзбекистон Фанлар академияси Иқтисодиёт институтида катта илмий ходим бўлиб ишлаган, айни пайтда – пенсияда.

Ислом Каримов суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, «Мустақиллик» ва Амир Темур орденлари билан тақдирланган. Шунингдек, у бир қанча хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан ҳам мукофотланган.

Ислом Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси. Айни вақтда у иқтисодиёт, илм-фан, таълим-тарбия соҳаларини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун кўплаб хорижий мамлакатлар университет ва академияларининг фахрий фан доктори ҳамда академиги этиб сайланган.

## ДАСТУР

**Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи биз танлаб олган, мамлакатимиз ва жамиятимизни янгилаш ва модернизация қилишнинг «ўзбек модели» деб дунёда тан олинган мустақил, тадрижий тараққиёт йўлимизнинг нақадар тўғри ва самарали эканини ҳар томонлама исботлаб бермоқда.**

Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, асосан пахта хомашёси етказиб беришга мослашган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олиб, жар ёқасига келиб қолган, собиқ СССРда аҳолининг ҳаёт даражаси бўйича энг охирги ўринда турган қашшоқ ўлкадан ҳозирги вақтда, аввало, замонавий тармоқлар ҳисобидан тез ва барқарор суръатлар билан ривожланаётган, халқаро майдонда ўзига муносиб ўрин эгаллаётган мамлакатга айланиб бормоқда.

Бугунги кунда ўзлигини англаб, ўз юрти, ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, эркин ва озод ҳаёт кечириш қандай бахт, қандай катта бойлик эканини чуқур тушуниб олган, мард ва олижаноб халқимизнинг фидокорона меҳнати билан амалга ошираётган оламшумул ишларимиз, мамлакатимиз, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, ҳаётимиз тобора фаровон бўлиб бораётгани барча соҳаларда яққол намоён бўлмоқда.

Энг муҳими, ўзини оқламаган эски тизимнинг қолип ва ақидаларидан холи бўлган, мустақил фикрлайдиган, ривожланган мамлакатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган куч – ёшларимиз майдонга чиқаётганида бу ҳақиқатни англамоқдамиз.

Биз дуч келган оғир синов ва муаммоларга, жаҳон миқёсида глобал иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамасдан, дунёнинг саноқли давлатлари қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги 10 йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда.

Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти 5 каррадан зиёд, аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар ўсгани, юртимиз аҳолиси шу даврда 1,5 марта кўпайиб, 2015 йилнинг бошида 31 миллион 500 минг кишини ташкил этганини инобатга оладиган бўлсак, очиғини айтганда, бундай ютуқларни баъзан тасаввур қилишнинг ўзи қийин.

Мамлакатимизнинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 15 фоиздан ошмаётгани, ички қарзимиз, яъни аҳолимиз олдида қарзимиз умуман йўқлиги, экспорт ҳажми, олтин-валюта захираларимиз барқарор суръатлар билан кўпайиб бораётгани барчамизни албатта қувонтиради.

**Шу билан бирга, биз бугун шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда, тобора авж олаётган глобаллашув жараёнлари, Интернет ва интеллектуал тараққиёт ҳал қилувчи роль ўйнаётган бир даврда эришган натижаларимизга маҳлиё бўлмасдан, шу пайтга қадар босиб ўтган йўлимиз – бу олдимизда турган мураккаб ва оғир йўлнинг фақат бир қисми эканини ўзимизга аниқ тасаввур этамиз.**

Бугунги кунда бизни ўраб турган дунё қанчалик тез ўзгариб бораётгани, яқин ва узоқ атрофимизда турли можаро ва қон тўкишлар давом этаётгани, терроризм, экстремизм ва наркотрафик хавфи ортиб, молиявий-иқтисодий инқироз ва унинг оқибатлари янада чуқурлашиб бораётгани ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Албатта, буларнинг барчаси бизнинг ҳар биримизни ташвишга солмасдан қўймайди ва биздан жаҳонда юзага келаётган вазиятни сергаклик билан баҳолашни талаб қилади.

Бу ўринда гап, биринчи навбатда, юртимизда амалга оширилаётганислоҳотларни, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишни давом эттириш ва чуқурлаштиришга қаратилган эътибор ва саъй-ҳаракатларимизни асло камайтирмаслик ҳақида бормоқда.

Айни шу вазият ва ҳолатларни инобатга олиб, олдимизда турган энг долзарб ва устувор вазифалар ҳақида гапирганда: **аввало, биз учун 2015 йилда ва ундан кейинги даврда энг устувор вазифа – бу таркибий ўзгаришлар сиёсатини олиб бориш, саноатни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлашдан иборатдир.**

Бу мақсадга эришишда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, иқтисодиётимизнинг реал секторида эскирган асбоб-ускуналар ва технологик қолоқликка барҳам бериш каби принципиал масалаларни ҳал қилиш, шунингдек, ислоҳотларни амалга ошириш, аввало, мулкдорлик масаласида чала-ярим ишларга йўл қўймаслик, иқтисодиётни бошқаришда маъмурий-буйруқбозлик усуллари қолдиқларини бутунлай бартараф этиш фаолиятимизда ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

**Иккинчидан. Мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсиши ва истиқболи, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини белгилаб беришга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор вазифа – бу хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожи йўлидаги барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш ва бу соҳага тўлиқ эркинлик беришдан иборат.**

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизи шу соҳага тўғри келмоқда, иш билан банд аҳолининг 75 фоизи мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда.

Яқин истиқболда хусусий тадбиркорлар учун ресурсларни очиқ биржа ва ярмарка савдолари орқали сотиш ҳажмини кенгайтириш ҳисобидан хомашё ресурсларидан фойдаланиш механизмини тубдан қайта кўриб чиқиш, уни янада соддалаштириш, очиқ-ошкора бўлишига алоҳида эътибор қаратилади.

**Хусусий мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини ошириш,** давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектларининг хўжалик ва молиявий фаолиятларига ноқонуний аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг давоми сифатида бу борада солиқ юкини камайтириш, қўшимча шароит ва кафолатлар яратишга янада катта аҳамият берилади.

**Учинчидан. Бугунги кунда иқтисодиётда ҳам, фаолиятимизнинг бошқа соҳаларида ҳам давлатнинг иштирокини танқидий қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда.**

Давлатнинг иштироки, аввалambор, электр энергетикаси, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси сингари давлат иштирокидаги корхоналар иқтисодиётнинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаётган, табиий монополияларга асосланган соҳаларда сақлаб қолиниши керак. Бошқача айтганда, **давлатнинг иқтисодиётимиздаги улуши иқтисодий ва стратегик асосланган даражага қадар қисқартирилиши ва бу ҳақиқий рақобат муҳитини таъминлаши, маъмурий-буйруқбозлик тизими иллатларидан халос бўлишга олиб келиши лозим.**

Шу муносабат билан хўжалик фаолиятида давлат улушини тубдан қисқартириш бўйича махсус дастур қабул қилиниб, унда самарасиз давлат корхоналарини тугатиш, жумладан, очиқ ва ошкора савдолар орқали тегишли инвестиция мажбуриятлари билан «ноль» қийматида сотиш орқали тўлиқ хусусий мулк шаклига ўтказиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юртимизда фаолият кўрсатаётган акциядорлик компанияларининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий сармоядорлар қаторида хорижий акциядорлар ҳам акция эгалари бўладиган вақт келди. Акциядорлик жамиятларини айни шундай асосда ташкил этиш бизнинг манфаатларимизга кўпроқ мос келади.

**Тўртинчидан. Экологик муаммолар чуқурлашиб бораётган, сув ва ер ресурслари чекланган бизнинг шароитимизда ирригация ва мелиорация ишларини давом эттириш, ерларнинг унумдорлигини янада ошириш, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, энг янги агротехнологияларни жорий этиш – айнан шу йўналишлар қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишнинг ҳал қилувчи масалалари бўлиб, улар доимо эътиборимиз марказида бўлади.**

Ана шундай долзарб вазифаларнинг барчасини комплекс ҳал этиш учун қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг келгуси 5 йилга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқишга киришдик. Бу дастур аграр тармоқдаги таркибий ўзгаришларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва шунингдек, мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлашни кўзда тутади.

Шу борада олдимизда миқёси ва кўламига кўра қандай улкан ишлар тургани ва бунинг учун қандай катта маблағлар талаб этилишини биз ўзимизга яхши тасаввур қиламиз. **Бу масалада ҳаётнинг ўзи бир ҳақиқатни тасдиқлаб, исботлаб бермоқдаки, қишлоқ хўжалиги ҳисобидан маблағларни тежаш мутлақо ярамайди ва биз ҳеч қачон бунга йўл қўймаймиз.**

**Бешинчидан. Қишлоқ хўжалиги, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бутун мамлакатимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшаётган фермерлик ҳаракати янги тарихимизда ўчмас из қолдирмоқда.**

**Замонавий фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш, қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган, кенг кўламли вазифаларни бажарадиган кўптармоқли хўжаликларга айлантириш йўлини давом эттирамиз.**

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90-92 фоизини ишлаб чиқараётган фермер хўжаликлари мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярми истиқомат қилаётган қишлоқларимизнинг бугунги ва эртанги фаровонлигини янада оширишни ўз назоратига олиши зарур, деб ўйлайман.

Халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, жумладан, энг муҳим ижтимоий дастурларни амалга ошириш борасида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар ва уларни кучайтириш бўйича олдимизда турган кенг кўламли вазифалар ҳақида барчамиз яхши хабардормиз.

Фақат 2015 йилнинг ўзида 353 та умумтаълим мактабини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, 147 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейда қарийб 400 миллиард сўм ҳажмидаги капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. 2020 йилгача эса 500 та умумтаълим мактабини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, жумладан, 101 та янги мактаб барпо этиш ва 810 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларни капитал таъмирлаш режалаштирилмоқда.

Тиббиёт соҳасида 2015 йилда 98 миллион доллар ҳажмидаги маблағ ҳисобидан 83 та тиббиёт муассасасини, 2020 йилгача эса – 180 миллион доллардан зиёд маблағ эвазига 230 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш назарда тутилмоқда.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида 2015-2016 йилларда 2 миллиард 100 миллион доллар миқдоридаги 25 мингта уй-жой бунёд этиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун Осиё тараққиёт банки ҳамда Ислом тараққиёт банкининг маблағлари жалб қилиниши белгиланмоқда.

Қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида фақат табиий газ ва электр тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 2020 йилгача 530 миллион доллар, телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш учун эса – 136 миллион доллар миқдоридаги маблағ йўналтириш масаласи кўриб чиқилмоқда.

**Олтинчидан. Маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш – энг устувор вазифадир.**

Юртимизда биз учун бутунлай янги бўлган автомобиль саноатининг ташкил этилгани импорт ўрнини босиш бўйича олиб борилган оқилона сиёсатнинг ёрқин далили ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 27 русумдаги юк ва енгил автомобиллар, автобуслар, минивэнлар ҳамда 15 турдаги замонавий қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқарилмоқда.

Буларнинг барчаси ҳар йили 4 миллиард доллардан зиёд ҳажмдаги импорт товарлар ўрнини босиш имконини бермоқда.

Ана шу стратегияни янада ривожлантириш мақсадида 2015-2019 йилларга мўлжалланган янги Маҳаллийлаштириш дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастурда умумий қиймати 5 миллиард доллардан зиёд 600 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

**Еттинчидан. Бугунги кунда тараққиёт, туб таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминлашнинг муҳим шарти инвестиция жараёнлари билан боғлиқ экани ҳаммамизга яхши аён.**

**Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тараққиёти учун йўналтирилган инвестициялар ҳажми 190 миллиард доллардан ошди ва бу маблағнинг 65 миллиард доллардан зиёдини хорижий инвестициялар ташкил этди.**

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш доирасида кенг кўламли замонавий, юқори технологияларга асосланган лойиҳалар амалга оширилди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Қўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, ўнлаб замонавий тўқимачилик комплекслари, мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлайдиган юзлаб корхоналар, энг илғор буғ-газ ва газ турбинали технологияларни жорий этган ҳолда ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ана шундай йирик лойиҳалар қаторига киради.

Бугунги кунда Сурғил кони базасида Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда барпо этилаётган, умумий қиймати 4 миллиард 200 миллион долларга тенг бўлган Устюрт газ-кимё мажмуаси хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир.

Сўнгги йилларда қарийб 2 минг километр автомобиль йўллари, хусусан, Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирадиган 1,5 минг километрлик йўл тармоқлари қурилди ва реконструкция қилинди.

Темир йўл соҳасида 342 километрлик янги Навоий – Учқудуқ – Нукус – Султон Увайстоғ ва 223 километрлик Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон тармоқлари барпо этилди, 550 километрдан зиёд темир йўл линиялари электрлаштирилди. Айни пайтда янги Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ва тоғли ҳудудлар орқали ўтадиган 19 километрдан зиёд узунликдаги тоннель қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

**Саккизинчидан. Аҳоли бандлигини таъминлаш, биринчи навбатда, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.**

Аввалambор, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва хизмат кўрсатиш соҳасини, айниқса, қишлоқ жойларда янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш дастурларини амалга ошириш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини кенгайтириш ҳисобидан кейинги пайтда Ўзбекистонда ҳар йили қарийб 1 миллионта иш ўрни яратилмоқда. Шунинг 60 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилаётгани айниқса аҳамиятлидир.

**Тўққизинчидан. Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини янада изчил ошириб бориш масаласи ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.**

Сўнгги йилларда мамлакатимиз давлат бюджетининг 59-60 фоизга яқини ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар ҳажми 23,2 фоиз, реал даромадлар 10,2 фоизга кўпайди.

Аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда ушбу кўрсаткич мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларидаги 10,6 фоиздан 52 фоизга ошганини таъкидлаш лозим.

Халқаро меъёрларга кўра, 10 баробар қилиб белгиланган энг кўп ва энг кам даромад оладиган аҳоли ўртасидаги фарқ юртимизда 2000 йилдаги 53,3 баробардан бугунги кунда 7,8 баробарга тушди. **Бошқача айтганда, жамиятимизнинг ўта бойлар ва ўта камбағалларга бўлиниб, кескин табақаланиб кетишига йўл қўймасдан, бу борада ижтимоий барқарорлик мезони деб тан олинган даражага эришдик.**

**Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги ҳар иккинчи оила юртимизда ишлаб чиқарилган шахсий автомобилга эга.** Деярли ҳар бир оилада кундалик заруратга айланган мобиль телефон, ноутбук, сунъий йўлдош орқали кўрсатадиган ва кабелли телевидение, музлатиш камералари ва замонавий ошхона анжомлари каби янги, юқори технологияларга асосланган жиҳозлар мавжуд.

Мамлакатимизда уй-жой билан таъминланиш даражаси, жон бошига ҳисоблаганда, 12,4 квадрат метрдан 15,4 квадрат метрга ошди. Уй-жой фондининг деярли ҳаммаси хусусий мулк шаклига ўтказилди.

Аҳолининг тўлов қобилияти ва истеъмол талабининг ортиб бораётгани иш ҳақи ва пенсияларнинг истеъмол нархлари ўсишига нисбатан жадал ошишини таъминламоқда.

**Ўнинчидан. Биз барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз, деб биламиз. Энг муҳими, ҳеч қандай ҳарбий блокка қўшилмаймиз, Ўзбекистон ҳудудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлашувига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига йўл қўймаслигимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.**

Узоқ ва яқин атрофимизда вужудга келаётган бугунги мураккаб вазиятда айнан шундай йўлни, шундай сиёсатни биз учун энг тўғри ва энг маъқул деб биламиз.

Жамиятимизда тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат муҳитини янада мустаҳкамлаш бизнинг устувор вазифамиз бўлиб қолади.

«Юксак маънавият – енгилмас куч» деган ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда бой тарихимиз, бебаҳо меросимизни асраб-авайлаш, атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш, биз қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур англаб, аждодларимизнинг шонли анъаналарини давом эттириш, ёшларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаш барчамиз учун долзарб вазифа бўлиб қолади.

**Ишончим комилки, фақатгина халқимизнинг мардлиги ва матонати, жонкуярлиги ва қатъияти, энг муҳими, келажагимизни қуришда ўз кучига, эртанги кунга бўлган юксак ишончи олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг мустаҳкам пойдеворидир.**

Мана шундай олижаноб, бағрикенг халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан, фидойилик билан хизмат қилиш – барчамиз учун энг юксак шараф, олий саодатдир.

# 29 МАРТ – САЙЛОВ КУНИ

## БИЗ УЧУН ХАЛҚИМИЗ, ВАТАНИМИЗ МАНФААТИДАН УЛУҒ МАҚСАД ЙЎҚ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлиғига номзод Ислом Каримов 26 февраль куни Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашди.**

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 12-Хоразм округ сайлов комиссияси раиси А.Раҳимов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов учрашувда нутқ сўзлаб, ўз сайловолди дастурининг асосий йўналишларига эътиборни қаратди.

Дастурда мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, аҳоли даромадлари ва ҳаёт сифатини мунтасил ошириб боришга доир устувор йўналишлар ўз ифодасини топган. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, саноатни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизациялаш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини ошириш, фаровон ҳаётимизнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигига замонавий агротехнологияларни жорий этиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда маҳаллийлаштириш дастурларини изчил давом эттириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини янада ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Қадимий шаҳарларимиз, гўзал табиатимиз, бой ва ранг-баранг маданиятимиз асрлар оша дунё аҳлини ўзига мафтун этиб келмоқда. Мамлакатимизда замонавий сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш, тарихий обидалар, муқаддас қадамжоларни тиклаш ва таъмирлаш, сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланди. Транспорт, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда ижтимоий инфратузилмалар изчил ривожланмоқда. Миллий услубдаги замонавий аҳоли турар жойлари, меҳмонхоналар, дам олиш масканлари, болалар спорт майдончалари барпо этилмоқда. Аҳоли сув таъминотини тубдан яхшилаш мақсадида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сувдан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги суғориш ишларига замонавий тежамкор технологиялар жорий этилаётир. Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган махсус дастурлар аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда иқтисодиётимизнинг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Учрашувда меҳнат фахрийси К.Ортиқов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими раҳбари Г.Ибодуллаева ва бошқалар мамлакатимизда мустақиллик йилларида мисли кўрилмаган улкан ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик, уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар миллий қонунчилигимиз ва умумэътироф этилган халқаро демократик талабларга тўла мос равишда ўтаётганини қайд этди. Сайловчиларни жорий йилнинг 29 март куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 26 февраль куни Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари билан учрашди.**

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 1-Қорақалпогистон округ сайлов комиссияси раиси К.Каримов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов ўзининг сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда кенг кўламли иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни изчил давом эттириш, ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин олиш, аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт даражасини янада оширишга доир стратегик мақсадлар ўз ифодасини топган. Жумладан, саноатни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик учун янада кенг йўл очиб бериш, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини қайта кўриб чиқиш, ерларнинг унумдорлигини ошириш ва экин майдонларини оптималлаштириш, фермерлик ҳаракатини янги босқичга кўтариш, маҳаллийлаштириш дастурларини изчил давом эттириш, инвестициявий муҳитни янада яхшилаш ва экспорт ҳажмини кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти Қорақалпоғистон Республикаси ривожида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Янги завод ва корхоналар, инфратузилма объектлари, замонавий уй-жойлар барпо этилмоқда. Нукус шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва қишлоқлари қиёфаси бутунлай ўзгариб бораётир.

Маҳаллийлаштириш ва инвестиция дастурлари доирасида кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Қўнғирот сода заводи, «Ориент техноложи», «Вайт машин техноложи» қўшма корхоналари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва тўқимачилик мажмуалари мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутмоқда. Дунёдаги энг йирик лойиҳалардан бири – Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши жадал олиб борилмоқда.

Учрашувда Қорақалпоғистон Республикаси «Нуроний» жамғармаси раиси Ш.Уснатдинов, «Қорақалпоғистон тонги» газетаси бош муҳаррири Г.Аннақличева, Қорақалпоғистон Республикаси болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, самбо бўйича икки карра жаҳон чемпиони А.Турданов, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали ўқитувчиси Г.Ахимбетова ва бошқалар тинчлик ва барқарорлик самарасида мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланиб, халқимизнинг дунёқараши ва турмуш тарзи изчил юксалиб бораётганини қайд этди. Президент сайловига тайёргарлик, уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик талабларга тўла мос равишда ўтаётганини таъкидлади. Сайловчиларни 29 март куни бўладиган Ўзбекистон Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

**(ЎзА)**



Солих ЗОИР олган сурат

## Ишончли вакил сайловчилар ҳузурида

**Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, Тошкент шаҳрида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг ишончли вакили сайловчилар билан учрашувлар ўтказаяпти. Шу кунғача ана шундай тадбирлар пойтахтимизнинг Миробод, Бектемир, Мирзо Улуғбек ва Олмазор туманларида бўлиб ўтди**

Хусусан, Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳар филиалида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Зайниддин Низомходжаев пойтахтимизнинг Миробод тумани сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси Жавдат Инагамов очди.

З.Низомходжаев тадбир иштирокчиларини Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди. Йиғилганлар эътиборини дастурда илгари сурилган асосий ғоя ва мақсадлар мазмун-моҳиятига қаратди. Нотиқ таъкидлаганидек, дастурда 2015 йил ва ундан кейинги даврда таркибий ўзгаришлар сиёсатини олиб бориш, саноатни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш энг долзарб ва устувор вазифалардан бири сифатида қайд этилган.

Учрашувда тадбиркор, O`zLiDeP аъзоси Рустам Якубов, Тошкент давлат автомобиль ва йўллар институти талабаси Фарҳод Илҳомов, Тошкент фармацевтика институти талабаси Нилуфар Мустафоқулова ва бошқалар истиқлол йилларида ҳар бир фуқаронинг ўз иқтидорини рўёбга чиқариши учун яратилган беқиёс имкониятлар, аҳоли турмуш сифатини янада юксалтириш йўлидаги изчил ислоҳотлар тўғрисида тўлқинланиб гапирдилар. Президент сайловига тайёргарлик, уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар амалдаги қонунлар ва демократик тамойилларга мувофиқ кечаётганини таъкидлаб, сайловчиларни 29 март куни бўладиган Ўзбекистон Президенти сайловида фаол қатнашиш ва Ислом Каримовга овоз беришга чақирдилар.

**Б.ИСРОИЛОВ.**

## «Юрт равнақи учун овоз берамиз»

**Жойларда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Ислом Каримовнинг ишончли вакиллари сайловчилар билан учрашувлар ўтказишмоқда**

Хусусан, Андижон туманида 200 нафардан зиёд сайловчи ҳамда 170 нафар партия аъзоси иштирокида ўтказилган ана шундай тадбирда номзоднинг ишончли вакили Машариф Юсупов йиғилганларни Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли билан таништирди. Номзод дастурида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва рақобатдошлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, иқтисодий ўсиш суръатлари изчиллигини таъминлаш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқда реал мулкдорлар синфини шакллантириш асосида аграр тармоқни янада диверсификация қилиш каби устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилганини маълум қилди.

Худди шундай учрашувлар вилоятнинг Андижон ва Хонобод шаҳарларида, Асака ва Балиқчи туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Олмалиқ шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг ишончли вакили Марҳабо Қурбонова иштирокида ўтказилган учрашувда ҳам йиғилганларга дастлаб номзоднинг таржимаи ҳоли, сайловолди дастури ҳақида маълумот берилди.

— Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатида қарийб 40 йилдан буён ишлаб келаяпман, — деди O`zLiDeP фаоли Сайдали Раҳмонов. — Оддий касб эгаларининг меҳнати бу даражада қадрланган юрт дунёда бошқа йўқ, деб ўйлайман. Бўлмаса мендек бир экскаваторчининг кўксида «Ўзбекистон Қаҳрамони» олтин юлдузи порлаб турармиди!? Ўзаро гап-гаштакда, «Яратганга шукур, юртимиз тинч», деймиз. Аммо тан олиш жоиз: баъзи кимсалар тинчликка осонликча эришилмаганини тушуниб етмаяптилар. Эсимда, мустақилликнинг дастлабки кунларида Ислом Каримов «Мамлакат ўз дони, беминнат нонига эга бўлмас экан, кимларгадир қарамлигимиз, керак бўлса, мутеълигимиз сақланиб қолаверади», деган эдилар. Бугун-чи? Бугун Ўзбекистон нафақат дон мустақиллигига эришди, балки уни экспорт қиладиган давлатлар қаторидан жой олди. Шундай экан, 29 март куни бўлиб ўтадиган сайловда мазкур ютуқларнинг қўлга киритилишига бош-қош бўлиб турган Ислом Каримовга овоз бераман.

Янгиер шаҳрида номзоднинг ишончли вакили, сенатор Арипжан Қудратов иштирокида бўлиб ўтган учрашув давомида Ислом Каримовнинг сайловолди дастурида қайси жиҳатларга эътибор қаратилгани айтиб ўтилди.

— Президент сайловида биринчи маротаба иштирок этаётганимдан ниҳоятда бахтиёрман, — деди академик лицей талабаси Мадина Юсупова. — Оилада беш нафар фарзандмиз. Сингилларим — Ситора ва Зулхумор спортнинг каратэ тури бўйича бир неча марта мамлакат чемпиони бўлишган. Яна бир синглим — Севара ва оиламизнинг кенжа фарзанди Маҳмуджон ҳам спортга, ҳам мусиқага қизиқишади. Ўзим ўтган йили «Юрт келажаги» кўрик-танловининг республика босқичида қатнашиб, «Энг фаол иштирокчи» номинацияси голиби бўлдим. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътибор ва гамхўрликнинг самарасидир. Фурсатдан фойдаланиб, 29 март куни Ислом Каримов номзодини ёқлаб овоз беришга мушарраф бўлишимдан ниҳоятда мамнун эканимни билдирмоқчиман.

Номзоднинг Сирдарё вилоятидаги ишончли вакили Ширин шаҳри ҳамда Боёвут тумани сайловчилари билан ҳам учрашди.

Жарқўргон туманида бўлиб ўтган мулоқотда номзоднинг ишончли вакили, «Маҳалла» жамоат фонди Сурхондарё вилояти бўлими раиси ўринбосари Орзиқул Соатов дастлаб иштирокчиларни Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди.

Тумандаги 6-умумтаълим мактаби директори Даврон Алиёров, «Зебунисо» гўзалик салони раҳбари Зебунисо Холбоева, O`zLiDeP Жарқўргон туман кенгаши раиси, фермер Омон Аҳадов ва бошқалар сўзга чиқиб, эришилаётган ютуқлар, ҳаётимиздаги туб ўзгариш ва янгиланишлар мустақиллик шарофати эканини алоҳида қайд этдилар.

Ишончли вакили вилоятнинг Ангор, Қизириқ, Музработ туманларида ҳам учрашувлар ўтказди.

O`zLiDePдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг Наманган вилоятидаги ишончли вакили Турсунбой Файзуллаевнинг сайловчилар билан учрашувлари ҳам кўтаринки руҳда ўтяпти.

Айни кунгача Т.Файзуллаев Наманган шаҳри ва Мингбулоқ туманларида сайловчилар билан учрашиб, уларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди. Шу ўринда мазкур учрашувларда иштирок этганларнинг салкам 60 фоизи ёшлар эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Яқинда ўқувчиларимдан эркин мавзуда иншо олдим, — дейди Мингбулоқ туманидаги 13-ихтисослашган махсус мактаб-интернат ўқитувчиси Санобархон Абдураҳмонова. — Бир ўқувчим юртимиздаги тинчлик, тўкин-сочинлик, иқтисодиётнинг барча соҳаларида қўлга киритилаётган ютуқлар, аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси ўсгани, ёш авлодга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликларни таърифлаб, келажакда Ўзбекистонимиз бундан ҳам тараққий этиб, дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан ўрин олишига ишониши ҳақида ёзибди. Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар ёш авлод вакиллари томонидан зўр мамнуният билан кутиб олинаётганидан далолатдир.

Ўйлайманки, 29 март куни бўлиб ўтадиган сайловда сайловчилар ўзлари ишонч билдирган муносиб номзод — Ислом Каримов учун овоз берадилар.

**Ишончли вакилларнинг сайловчилар билан учрашувлари республикамизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтаяпти.**

## Акциядорлар ҳуқуқларининг қонуний асослари такомиллаштирилмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI asr»

Ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кенг муҳокама қилиш чоғида билдирилган таклиф ҳамда тавсияларни инобатга олган ҳолда қонунни иккинчи ўқишгача пишиқ-пухта тайёрлашдан иборат.

O`zLiDeP фракцияси раҳбари Содиқжон Турдиев ана шу жиҳатларга алоҳида тўхталиб, очиқ мулоқот тарзида ташкил этилаётган бундай давра суҳбатларига соҳа мутахассислари, эксперт ва олимларнинг таклиф этилиши қонун лойиҳасини такомиллаштиришга хизмат қилишини таъкидлади. Бу эса ҳуқуқий ҳужжатнинг янада халқчил ва кўпчилик учун тушунарли бўлишини таъминлайди.

— Мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган иқтисодий тузилма, яъни акциядорлик жамиятларини ривожлантириш бугун кун тартибидаги муҳим масалалардан биридир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қаҳрамон Эргашев. — Шу боис қонун лойиҳаси орқали акциядорлар умумий йиғилишида жамиятни ўрта ва узоқ муддатга ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш, кузатув кенгаши ва ижроия орган ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориш каби ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда. Алоҳида таъкидлаш кераки, иккинчи ўқишга тайёрланаётган мазкур ҳужжат юзасидан келиб тушаётган амалий таклиф ва тавсиялар саралаб олиняпти. Мисол учун, қонун лойиҳасини акциядор судга мурожаат қилганда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича пеняни ҳисоблашни тугатиш тўғрисидаги меъёр билан тўлдириш таклифи қабул қилинмади. Боиси тегишли молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар билан асосланмаган ва миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайди.

Чиндан ҳам мазкур қонун лойиҳасининг аҳамиятга молик томонларидан бири — бу миноритар акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш кафолатлари ҳақидаги нормаларнинг кучайтирилаётганидир. Зеро, Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида янги таҳрирда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ҳалигача



тўлиқ ишламаётгани, акциядорлар, аввалambor, акцияларнинг миноритар эгалари ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланмаётгани, улар акциядорлик жамиятлари фаолиятига таъсир кўрсатмаётгани алоҳида таъкидланган эди. Шунингдек, ҳуқуқнинг бошқа соҳалари, хусусан, маъмурий, жиноят, хўжалик қонунчилигида ушбу қонун қабул қилиниши билан бир пайтнинг ўзида унинг ижросини таъминлайдиган маъмурий-ҳуқуқий, суд-ҳуқуқ механизмлари кўзда тутилмаганлиги ва акциядорларнинг ҳуқуқларини бузгани учун мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги белгиланмаган.

Шуни инобатга олган ҳолда давра суҳбати иштирокчилари томонидан корпоратив бошқарув тизимини ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида қиёсий ўрганган ҳолда қонун лойиҳасини тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар билан бойитиш лозимлиги қайд этилди.

Умуман олганда, янги қонуннинг қабул қилиниши акциядорлик жамиятлари фаолиятини янада такомиллаштириб, улардаги бошқарув ва назорат органлари зиммасидаги масъулиятни оширади. Энг муҳими, миноритар акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш институти юзага келиб, акциядорлар ва потенциал инвесторлар учун жамият фаолияти тўғрисида кенгроқ ахборотлар олиш кафолатини яратади.

# ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ

## XXI аср Алпомиши

**Жарқўрғонлик Алпомиш Норалиевни бугун нафақат Сурхондарё вилоятида, балки бутун республикада кўпчилик яхши танийди. Эндигина йигирма ёшни қарши олган фермернинг ишлари кўпчиликни қойил қолдирмоқда**

**Фахриддин НУРАЛИЕВ,** «XXI asr»

Ҳаммаси 2012 йил — замонамиз Алпомиши эндигина коллежни тамомлагач бошланди.

— Ўғлим, мана, ўрта маълумотни ҳам пойтахти азимда олиб қайтдинг, энди режалар қандай? — дея гап бошлаганди ўшанда отаси фарзандига синовчан боқиб:

— Ишласам дейман, ота. Уч йил бекорга ўқимадим. Туманимизга ҳуқуқшунослар кераклиги учун шу ўқишга киргандим, деганди.

— Гапинг жуда тўғри, болам. Аммо сен ўқишда юрганингда, оилавий фермерликни йўлга қўйишни ният қилиб қўйгандим. Ўтган йили фермерликни бошлаган амакимнинг йигирмадан ортиқ кишини иш билан таъминлаганига ҳавасим келганди. Даромади ҳам ёмон эмас...

Ота орзуси Алпомишни ҳам қизиқтириб қўйди. Тумандаги бир неча фермер хўжалиги фаолиятини ўрганиб чиқди ва қатъий қарорга келди. Лалми ерда 7 гектарлик «Қум жаннати» боғдорчилик фермер хўжалигига асос солинди.

Бу йил Алпомишнинг боғидаги 1000 туп олма, 700 туп бодом, 600 туп ёнғоқ, 500 туп узум кўчатлари нишона ҳосил бера бошлайди. Аммо ёш фермер ҳосилни кутиб ўтирмай, туман ҳокимлигига яна қўшимча ер сўраб мурожаат қилди. Тиришқоқлиги ва уддабуронлиги билан бир йилдаёқ эътиборга тушган йигирма ёшли фермерга оз эмас, кўп эмас 120 гектар лалми ер ажратиб берилди. Бундай ишонч Алпомишнинг шижоатига шижоат қўшди. «Микрокредитбанк»дан 100 миллион сўм кредит олиб, иссиқхона қурди. Бугун унда етиштирилаётган помидор, бодринг, булғор қалампири каби неъматлар туман бозорларига файз бағишлаб турибди.

Бундан ташқари, хўжаликда 500 бош қўй, 70 бош қорамол боқилаяпти. Сигирлардан олинаётган сут болалар боғчаларига етказиб берилмоқда. Алпомиш ва унинг 20 нафар қишлоқдоши бу ишларни қойилмақом уддалаяпти.

Фермер хўжалиги қошидаги «Гўшт ярмаркаси» ҳамда нон ва нон маҳсулотлари савдо шохобчаси ҳамиша харидорлар билан гавжум. Даромад ҳам шунга яраша.

Алпомишнинг келажак орзулари янада бисёр. Фаолиятини кенгайтириб, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш уларнинг энг биринчисидир. Ёш фермер ана шу мақсад йўлида тинмай изланаяпти. Интернет орқали жаҳон тажрибасини ўрганиш, соҳанинг тажрибали мутахассислари билан суҳбатлашиб, малака оширишга ҳам вақт топмоқда. Спортнинг каратэ тури билан мунтазам шуғулланиб, икки карра республика чемпиони унвонига сазовор бўлгани эса исми жисмига монанд эканидан далолатдир.

Ҳа, кечаги коллеж битирувчисининг бугунги ютуқлари кўплаб Сурхон йигитларининг ҳавасини келтирмоқда. Мамлакатимизда ёшлар камолоти учун кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин мисолидир.

## Баҳорни соғинган фермер

**Тўрақўрғон туман Фермерлар кенгаши раиси ўринбосари Ҳайдарали Исвалиевнинг таъкидлашича, ҳудудда фаолият юритаётган 290 та хўжаликнинг 181 таси ғалла ва пахта етиштириш билан шуғулланса, яна 72 таси боғдорчилик, 24 таси узумчилик, 13 таси эса чорвачиликка ихтисослашган. Фермер хўжаликларининг 91 таси кўп тармоқли субъектга айлантирилиши натижасида 2014 йилнинг ўзида 211 та янги иш ўрни яратилди.**

**Аҳроржон МУСУРМОНОВ,** «XXI asr»

— Тўрақўрғонликлардан энг илғор қишлоқ мулкдори ким деб сўрасангиз, «Кичик қўрғонча гулшани» фермер хўжалиги раиси Равшанжон Шарофиддиновни тилга олиши аниқ, — дейди Х.Исвалиев. — Ҳар йили ғалла ва пахта режаларини ортиғи билан бажаради. Бундан ташқари, ҳамқишлоқларига ҳар томонлама ёрдам берадиган инсон сифатида ҳам ном қозонган.

Қизиқдик. Суриштирдик. Қўнғироқлашдик. 15 дақиқалардан сўнг «Каптива» келиб тўхтади. Ундан пўрим кийинган, бўй-басти келишимли, қарашлари синчков, чамаси 40-45 ёшли киши тушди.

— Равшанжон фермер шу, — дея бизни таништирди Ҳайдарали ака.

У билан сўрашар эканман, хаёлимдан машинадан тушмайдиган, даланинг ичига кирмайдиганлар хилидан эканми, деган фикр ўтди.

— Кийинганимни кўриб, олифталардан экан, деб ўйлаяпсизми, меҳмон, — деди фермер. — Иш кийимларим далада туради. Боя қўнғироқ қилганингизда банкда эдим. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига пул ўтказиб келяпман. Спорт жону дилим. Ўсиб келаётган ёш авлод ҳам спортга ошно бўлиб ўсиши учун ҳомийликдан қочмайман. Байрамона кийинганимнинг сабаби шу.

Ўзимизда ишлаб чиқарилган машина қишлоқ йўлларидан елиб борар экан, мен ўртага чўмган жимликдан фойдаланган ҳолда фермердан ўз фаолияти ҳақида ҳам гапириб беришни сўрадим.

— Фермерликни 2005 йилда 40 гектар ерда пахта ва ғалла етиштиришдан бошладим, — дейди O`zLiDeP аъзоси, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Равшанжон Шарофиддинов. — Ҳозир ерларимиз 62 гектарга етган. Ўтган йили 118 тонна дон топшириб, режани 121 фоизга уддаладик. Хўжалик ҳисобида яна 30 тонна дон ҳам қолди. Пахтачиликда гектаридан 40 центнердан ҳосил олиниб, 135 тонналик хирмон кўтарилди. Йиллик даромадимиз эса 150 млн. сўмдан ошиб кетди. Ана шу маблағ ҳисобига мавжуд учта «ТТЗ-80» русумли техника қаторига битта «ЮТО-100» ҳайдов тракторни қўшиб қўйдик.

Аммо тан олиб айтаман: механизаторликдан кўпчиликка сабоқ бера оладиган Фазлиддин Жалолов ва Боқижон Маъмуров, хўжалигимиз сувчилари — Мирсаид Султонов ва Усмонжон Раҳимов каби ёрдамчиларимсиз бундай натижаларга эришишим қийин бўларди. Президентимизнинг фермерлик соҳасига қаратаётган эътиборлари туфайли хўжалигимизни кўп тармоқли субъектга айлантирдик. 50 қутида асаларимиз бор. Қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш мақсадида савдо дўкони, қассобхона ҳамда автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасини очдик. Шу тариқа 15 нафар маҳалладошимиз иш билан таъминланди. Бу йил яна ер олиш учун ариза ёздим. Беш гектарли ерда интенсив боғ яратишдан ташқари, ярим гектарли майдонда иссиқхона қурмоқчиман. Чорвачиликни йўлга қўйишни ҳам режалаштирганмиз. Энг муҳими, ана шу ишларимиз рўёбга чиқса, 20 кишининг бандлиги таъминланади.

**У БИЛАН СЎРАШАР ЭКАНМАН, ХАЁЛИМДАН МАШИНАДАН ТУШМАЙДИГАН, ДАЛАНИНГ ИЧИГА КИРМАЙДИГАНЛАР ХИЛИДАН ЭКАНМИ, ДЕГАН ФИКР ЎТДИ.**

Суҳбат шу ерга келганида Равшанжоннинг даласига етдик. 23,4 гектарда ғалла баравж ўсяпти.

— Яқингинада майсаларга минерал ўғит бердик, — дейди фермер. — Қўлда сепдик.

— Техника турганда-я , — дея ажабландим.

— Тракторда сепсак ҳам бўларди. Унда ютқазиб қўярдик.

— Ўғитданми?

— Ўғитнинг-ку, барини соламиз, — дейди у кулиб. — Биласизми, қўлда сепсак, буғдойзорнинг қаерига кўпроқ, қаерига озроқ солишни биламиз. Техникада ҳамма жойига бир хил сочилади. Бу эса яхши эмас. Сув кўп туриб қолган жойлар сарғайиб қолади. Биз ана ўша ерни алоҳида белгилаб, озгина кўпроқ ўғит сочамиз. Сувни ҳам кўп очмай, жилдиратиб қўямиз. Шундагина биринчи сувдан кейин қаттиқ ҳолатга келган ер баттар қотмай аста ўзига келади. Айтишадику, ернинг ўзи муҳандис, ўзи агроном, деб. Уни тилини билсангиз, бас. Ўзи қаерга қандай ишлов кераклигини айтади. Ерга қараб, уни ўз вақтида парваришласангиз кифоя. Марҳаматини аямайди. Албатта, меҳнатингизга яраша насибангизни икки ҳисса қайтаради. Кейинги сафарги сувида маҳаллий ўғитларни «Шарбат ўраси» орқали бир маромда оқизамиз. Унда хислат кўп. Буғдойзоримиз гуркирагандан гуркирайди. Танаси пишиқ бўлади. Пишиқ танада бўлиқ дон пишиб етилади.

Фермернинг дала шийпони томон ўтар эканмиз, аллақачон чигит экишга тахт қилиб қўйилган майдонлар четидаги тутларни оқлаётган ишчиларни учратдик.

— Оҳакнинг фойдаси катта, — дейди Равшанжон. — Дов-дарахтларни оқлаб қўйсак, турли зараркунанда ҳашаротлар қирилади. Эртага ғўзамизга шира-пиралар ҳам яқинлашмайди.

Дала шийпони майдонида фермернинг техникалари қаторлашиб турибди. Кераклари янги қисмлар қўйилиб, мавсумга тайёр қилиб таъмирланган. Улар ҳам фермер каби баҳорни, янги мавсумни соғинган. Ҳадемай, уларнинг гулдираган овози далани тутади. Хўжалик янги марралар сари одимлаб, ризқ-рўз, мўлкўл ҳосилли хирмонлар яратади. Бунга шубҳа йўқ.

Дарвоқе, мақолани тайёрлаш давомида Равшанжон таҳририятга қўнғироқ қилиб, фермер хўжалигида бошланғич партия ташкилоти тузилганини маълум қилди. Шу боис мазкур қўйи бўғин ҳақидаги мақолани газетамизнинг кейинги сонларида тайёрлашга қарор қилдик.

## Долзарб вазифага доимий эътибор

**Ургут туман Ахборот-ресурс марказида O`zLiDeРнинг «Фермерлик ҳаракати — ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий куч» лойиҳаси доирасида семинар ўтказилди.**

**Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракати, деҳқон хўжаликларини янада ривожлантириш жараёнини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқда реал мулкдорлар синфини шакллантириш масалалари тадбирнинг бош мақсади бўлди.**

**Аҳоли турмуш даражасини оширишга йўналтирилган ислоҳотлар давомийлиги ва муваффақиятини таъминлаш O`zLiDeP дастурида белгилаб қўйилган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Партиянинг Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, аёл фермерлар сонини кўпайтириш масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани ҳам шундан.**

**Семинар давомида Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида белгиланган вазифаларнинг нечоғли амалга татбиқ этилаётгани хусусида сўз юритилди.**

**— Юртимизнинг барқарор ривожланишини таъминлашда фермер аёлларнинг ҳам катта ўрни бор, — дейди «Ғалаба» фермер хўжалиги раҳбари, O`zLiDeP Ургут туман кенгаши раиси ўринбосари Барно Мамадалиева. — Бинобарин, қишлоқ ҳудудларида тадбиркорликни ривожлантириб, аёлларни иш билан таъминлашни янги босқичга олиб чиқишга ҳаракат қилаяпмиз. Фермер аёллар ва тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини маҳаллий кенгашлардаги депутатлар билан бирга, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, шунингдек, аёллар манфаатини ҳимоя қилувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйиш орқали бартараф этиш самарали кечмоқда.**

**Партия фаоллари томонидан кичик бизнес ва сервис соҳасини ривожлантиришда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, марказдан олисда жойлашган аҳоли пунктларида истиқомат қилувчилар бандлигини таъминлаш, молия муассасаларидан фермер опа-сингилларимизга ажратилаётган кредит маблағлари миқдорини кўпайтириш, муддатини узайтиришга кўмаклашиш, уларнинг партиявий лойиҳалардаги кенг иштирокини таъминлашга катта аҳамият берилмоқда.**

**Бир сўз билан айтганда, O`zLiDeРнинг ташаббускор аёллари ўз фаолиятини хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий турмуш тарзини ўрганишга йўналтириш орқали олинган таҳлиллар натижасида жойларда уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини шакллантиришга интилаётир.**

Дилноза НОМОЗОВА.

## Далаларға дур, барака ёғилди

**Муборак тумани ҳокими ўринбосари Шавкат Меҳмонов ушбу ҳудудда фермерликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритар экан, ўтган йили яна 10 та фермер хўжалиги кўп тармоқли субъектга айлантирилгани, бу эса аҳолининг озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш, бандликни таъминлашда катта аҳамият касб этаётганини маълум қилди**

**Сайфулла ИКРОМОВ,** «XXI asr»

— Абдужаббор Ҳаитов ташаббускор ва изланувчан фермерларимиздан бири, — дейди ҳоким ўринбосари. — Сардоба қишлоғидан. У туман Фермерлар кенгаши раиси сифатида ҳам кўпчиликка ўрнак бўлиб келаяпти. Шу одам ҳақида ёзинг. Балиқ маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш борасида янги лойиҳани амалга ошираяпти. Ҳадемай, савдо дўконларида «Сардоба» деган консерваларга кўзингиз тушса, ажабланманг. Ўша маҳсулот муборакли фермернинг юртимиз аҳлига туҳфаси бўлади.

Иш билган, гап билмайди, деганлари рост шекилли. Мақоламиз қаҳрамони ниҳоятда камгап, камтар киши экан. Шу боис аввалига суҳбатимиз қовушмади.

— Мен кўп гапирмайман, — деди фермер. — Яхшиси сизни даламга, цехимга, балиқхонамга олиб бораман. Йўл-йўлакай қизиқтирган саволларингизга жавоб топсангиз, ажабмас. Муборакда ёғингарчилик жуда кам бўлади. Аллоҳнинг иноятини қаранг, бу йил серёғин келаяпти. Деҳқонларимиз таъбири билан айтганда, далаларга дур, барака ёғилди.

Фермернинг даласи катта йўлнинг бошида экан. Ёмғирга тўйинган, майин шабадада тебраниб турган бўлиқ майсалар тублаган. Орасида бегона ўтни кўрмайсиз. Ариқлар тозаланиб, дала четларига манзарали дарахтлар ўтқазилаяпти. Бир неча миришкор эса ғалла майсаларини озиқлантирмоқда.

— Майсанинг туб сони етарли-ми, демак, хирмон баракали бўлади, — дейди улардан бири. — Ўтган йили кузда туну кун тиним билмай суғориб, экилган донни тўлиқ кўкартириб олдик. Насиб бўлса, бу йил юқори центнерни кўзлаб турибмиз. Минерал ўғит ёмғирнинг тагида қолса, майса яхши озиқланади. Кечгача барча майдонларни ўғитлаб олишимиз керак. Ҳар йили шартномани бажарганимиздан сўнг рўзғорга бир-икки тоннадан дон ғамлаб қўйишга одатланганмиз.

— Кўчат экаётганлар ҳам хўжалигимиз ишчилари, — деди Абдужаббор фермер бир гуруҳ ёшларни кўрсатиб. — Муборакда ёз ойлари кучли гармсел бўлади. Агар иҳота дарахтлари бўлмаса, экинларга анча зарар етказилиши мумкин. Хўжалигимизда 60 дан ортиқ киши доимий ва мавсумий иш билан таъминланган. Уларни бир-биридан ажратмаймиз. Зарур пайтда рўзғорига, тўй-маъракасига қарашамиз. Бу йил барчамиз кўкаламзорлаштириш ойлигида фаол иштирок этишга келишиб олдик. Дала четларига дарахтлар экаяпмиз. Ҳозир кўчат ўтқазишнинг айни вақти. Ниҳол уйғонмасдан ўтқазилса, икки марта ёмғирга тўйса, бехато кўкаради.

А.Ҳаитов институтни битириб, «Наврўз» кичик корхонасида иш юритувчилик қилган. 1992 йил тадбиркорликка қўл уриб, «Азамат» фермер хўжалигини ташкил этди. Дастлабки йили 30 гектар майдондаги деҳқончилик унчалик яхши бўлмади. Танқид остида қолган фермер умидсизланмади. Хатолардан тегишли хулоса чиқариб, устозларидан маслаҳат олди, агротехника қоидаларини пухта ўзлаштирди. Натижада кейинги йили шартномаларни ортиғи билан бажарган ҳолда эл олдида юзи ёруғ бўлди. Бугунги кунда хўжалик тасарруфида 125 гектар ер мавжуд бўлиб, ўтган йили 65 гектар майдонда ғалла, 57 гектарда пахтадан хирмон кўтарилди. Икки гектар жойда балиқчилик хўжалиги ташкил этилган. Бир кеча-кундузда 1,2 тонна макарон маҳсулотлари тайёрланаётган цехда асосан ёшлар ишлайди.

— Бугунги фермер ер билан тиллашишни жойига қўядиган, сувдан оқилона фойдалана оладиган иқтисодчи, янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишга интиладиган, хўжаликни замонавий асосда бошқаришга қодир киши бўлиши керак, — дейди фермер. — Хўжаликдаги ҳисоб-китоб ишларини ҳам ўзим бажараман. Негаки иқтисодни яхши билган тадбиркоргина эркин фаолият юрита олади. Бунинг учун у қонунчиликдаги янгиликлардан бохабар бўлиши, ўз устида тинимсиз ишлаб, иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириб бориши керак. Бугун мамлакатимизда фаолият юритаётган фермерлар учун барча шароит яратилган. Истаган пайтингизда электрон воситалар ёрдамида ҳисоб-китобни жойига қўйиб, дала ишларини бошқараверасиз. Ўтган йили хўжалигимизнинг ялпи даромади 350 млн. сўмни ташкил этган бўлса, соф фойда 80 млн. сўмдан ошди. Жорий йил ҳосили учун 72 гектар майдонда ғалла экканмиз. 50 гектар ерга эса чигит қадашни мўлжаллаб турибмиз. Ўтган йили хорижга бориб, балиқни қайта ишлаш технологиясини келтириш юзасидан шартнома имзолаб келдим. Молиявий кўмак эвазига етиштирилаётган балиқни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ниятидамиз.



Абдужаббор қўли очиқнинг йўли очиқ, деган ақидага қатъий амал қиладиган саховатли инсонлардан. Қарши шаҳридаги «Мурувват» уйида тез-тез бўлиб туради. Совға-саломлар, озиқ-овқат маҳсулотлари улашади. Кам таъминланган оилаларнинг олий ўқув юртларида ўқийдиган фарзандларига контракт пулидан ёрдамлашади. Президент соврини учун ўтказиладиган «Ташаббус» кўрик-танловининг вилоят босқичида икки марта юқори ўринни эгаллаган.

— Туманимизда 330 та фермер хўжалиги пахта ва ғалла етиштириш билан шуғулланади. 23 нафари эса боғдорчилик ва узумчилик билан машғул, — дейди А.Ҳайитов. — Уларни кўп тармоқли хўжаликларга айлантириш, банкларнинг кредити эвазига замонавий технологиялар келтириб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун яқиндан кўмаклашаяпмиз. Тан олиб айтиш керак: эндиликда фермер ишлаб чиқариш тузилмаси ва ҳажмларини мустақил равишда белгилаши, замонавий ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай тури билан, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилиш, саноат ишлаб чиқариши, аҳолига хизмат кўрсатишнинг барча турлари билан шуғулланиб, қишлоқ ёшлари бандлигини таъминлаши учун имкониятлар яратилган. Бундан самарали фойдаланиб, давр билан ҳамнафас меҳнат қилаётганлар юрт равнақи, халқ фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган ишбилармонлардир. Улар сафида бўлиш мен учун катта шараф.

## Тунда сугорганда буғланиш бўлмайди

**Илм-фаннинг ривожи эзгу фикр, эзгу гоя, замонавий лойиҳаларнинг юзага келишига замин яратади. Тараққиёт мезонини белгилайди. Республикамизда янги усулдаги пакана, яъни интенсив богларнинг барпо этилиши ва амалиётда самара бера бошлагани бунинг мисолидир.**

**Жиззах туманидаги «Мавлон ота» кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Жаҳонгир Мавлонов ҳам ана шу янгиликка биринчилар қаторида қўл уриб кам бўлмади. Айни пайтда 20 гектарлик янги богига ҳамма ҳавас қилаяпти. Европадан келтирилган ниҳоллар 2 метр оралиқда экилиб, томчилатиб сугориш тизими йўлга қўйилган. Мазкур усулдан фойдаланиш сувни 70-90 фоиз тежаш имконини бераяпти.**

**— Сувни артезиан қудуқдан олганимиз сабаб унинг ҳар томчиси ҳисоб-китобли, — дейди фермер. — Ярим пакана дарахтларнинг томирлари попук кўринишида бўлиб, ернинг юза қисмига яқин жойлашади. Шу сабабли томчилаб сугориш биз учун айни муддаодир. Сугориш ишларини тунда амалга оширамиз. Шундай қилинганида буғланишнинг олди олинади. Ер оби ҳаётга қонади. Бунга ўз тажрибамизда тўлиқ ишонч ҳосил қилдик. Кўчатлар биринчи йилдаёқ қаддини тиклаб олди. Мутахассислар хулосасига кўра, ярим пакана олма, гилоснинг бир гектаридан 50-60 тоннагача ҳосил олиш мумкин. Бундай натижага эришиш учун олмага 4-5, гилос ва шафтолига 3-4 йил вақт керак бўлади. Ҳосилга кирган дарахтлар 16 йилгача мева беради.**

**— Бизнинг шароитга «Golden Apple» нави жуда мос келади. Шу боис 4 қатор жайдари олма дарахтлари орасига шу навни экканмиз. Лизинг асосида «Арион» ҳайдов тракторини сотиб олганимиз жуда қўл келмоқда. Ундан унумли фойдаланиб, «Янги ҳаёт» сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидаги бошқа фермер хўжаликларига ҳам хизмат кўрсата бошладик. Мамлакатимизда фермерларга алоҳида эътибор қаратилаётганини доим ҳис этиб турибмиз. Бу эришаётан натижаларимизда ҳам сезилаётир. Айниқса, хориждан кўчат ва техникалар олиб киришимизда божхона тўловларидан берилган имтиёзлардан мамнунмиз. Бундай қулайликлардан фойдаланиб, яна 10 гектар майдонда интенсив бог яратишни мўлжаллаяпмиз. 1000 тонна маҳсулот сақлашга мўлжалланган совутгич барпо этиш ниятимиз бор. Шунга эришсак, нафақат ўз меваларимиз, балки қўшни фермер хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотларни ҳам сақлаш имкониятига эга бўламиз.**

**Мақоламиз қаҳрамони билан суҳбатлашсангиз, бугунги фермер кечагисидан кескин фарқ қилишига гувоҳ бўласиз. Эртанги кунга қатъий ишонч уларни янги-янги гоялар, мақсадларга руҳлантираётгани сезилиб туради. Энг муҳими, ўзига ишониб топширилган ернинг ҳар қаричи ҳисобда эканидан ҳурсанд бўласиз.**

**Иш билганга минг танга, деганларидек, богдаги 25 минг туп мевали дарахт тўлиқ ҳосилга кирса, деҳқончасига айтганда, фермер пулнинг «тагида қолади». Аммо замонавий қишлоқ мулкдорлари бу билан қаноатланмаяпти. Агар шундай бўлганида богнинг чор атрофига 15 минг дона «Ўзбекистон» навли терак кўчати экиб ўтирмасди. Фермернинг ҳисоб-китобларига кўра, бугун қадалган ниҳоллар иморатбоп бўлганда ҳозирги нарх-наво билан нақд 1,5 миллиард сўмлик даромад келтиради. Буни ҳақиқий тадбиркорлик деса бўлади.**

Севара АЗИМОВА.

«XXI ASR» 10 (590)-son, e-mail: xxi_asr@mail.ru

# Амалий ишлар партияга ишончни мустаҳкамлаяпти

**Пискент туманида 300 дан ортиқ фермер хўжалиги, 200 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатаяпти. Эътиборлиси, хусусий сектор вакилларининг деярли ҳаммаси O`zLiDeP бошланғич ташкилотлари атрофида бирлашган**

**Зиёдулла МЎМИНОВ,**
«XXI asr»



Қуйи бўғинлар аъзолари партия Устави ва Дастурига мувофиқ иш юритиб, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда ҳам фаол қатнашаяптилар. Хусусан, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларнинг ўз бизнесини йўлга қўйишларида тадбиркор ва фермерларнинг ташаббуслари алоҳида аҳамият касб этаётир.

— Туманимизда 1600 дан ортиқ O`zLiDeP аъзоси бор, — дейди партия туман кенгаши раиси ўринбосари Зайнаб Маҳмудова. — Улар 40 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган. Ўтган сайловда партиямиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят ва туман кенгашларида нисбатан кўпроқ депутатлик ўрнига эга бўлганидан кейин партиямиз сафига қўшилишни истаганлар сони янада ортди. Фермер хўжаликлари, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа ташкилотлардан партия сафига ўтиш тўғрисидаги мурожаатлар сезиларли даражада кўпайди. Чунончи, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан аъзоларимиз қарийб 300 нафарга, БПТлар сони эса 16 тага ошди. Туман Фермерлар кенгаши, почта алоқаси хизмати, пахта тозалаш заводи, «Пискенттумангаз» каби ташкилотларда ташкил этилган таянч тузилмаларимиз ҳам партия дастурий ғоя ва мақсадлари рўёбга чиқишида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Масалан, «Пискенттумангаз» корхонасида 80 кишидан иборат бошланғич ташкилот тузилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, партиявий фаоллик, электорат билан яқин муносабатда бўлиш ўз самарасини бераяпти. БПТ ташаббуси билан корхонада «устоз-шогирд» анъанаси йўлга қўйилди. Яқинда ишга қабул қилинган коллеж битирувчилари — 10 дан зиёд йигит-қиз тажрибали ходимлардан касб сир-асрорларини ўрганиш баробарида кўп йиллар меҳнат қилиб, бугун кексалик гаштини сураётган устозлар ҳолидан хабар олишмоқда. Яна бир жиҳат шундаки, аксарият бошланғич ташкилотларга 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар раҳбарлик қилмоқда. Масалан, ташаббуслари оммалашаётган мазкур қуйи ташкилотга 25 яшар Отабек Тўрақулов етакчилик қилаётир.

— O`zLiDePнинг сўзи билан иши бир сиёсий куч экани туфайли унга аъзо бўлганман, — дейди О.Тўрақулов. — Маслакдошларимиз турлича ёш ва дунёқарашга эга инсонлар. Бироқ мақсадимиз ягона бўлгани боис бир ёқадан бош чиқариб, зиммамиздаги вазифаларни бекаму кўст бажаришга интилаяпмиз. Ҳозир муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловнинг юқори демократик савияда ўтказилиши учун катта тайёргарлик кўрилаяпти. Албатта, биз ҳам бу жараёндан четда эмасмиз. Бу борада партия юқори органлари томонидан берилаётган барча топшириқларни ўз вақтида бажараяпмиз. Бунинг учун партиянинг обрўли, фаол аъзолари, O`zLiDeP туман кенгаши, депутатлик гуруҳлари билан баҳамжиҳат иш олиб бораяпмиз.

Туман Фермерлар кенгашида ташкил этилган O`zLiDeP таянч тузилмасига мазкур кенгаш раиси Ботир Ғаниевнинг ўзи раҳбарлик қилмоқда.

— БПТ фаолият бошлаганига бир йил бўлди, — дейди Б. Ғаниев. — Аввал партиямиз ғоялари 10 нафар аъзони жипслаштирганди. Ҳозир уларнинг сони икки баробарга ортди. Лекин бу чегара эмас. Либераллар билан бир қаторда бўлишни истаётганлар тобора ортиб бораяпти. Аъзоларимизнинг кўпчилиги ёшлар. Боиси — биз ёшларни, айниқса, ўз бизнесини ташкил қилиш ниятида бўлганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаяпмиз. Чунончи, шу йилнинг ўтган даврида 10 нафарга яқин навқирон авлод вакили ўз бизнесини йўлга қўйди. «Партия менга, мен эса дўстларимга кўмаклашаман» тамойилига таянган ҳолда иш юритишимиз ана шундай ижобий натижалар бераяпти. Шу ўринда таъкидлашни истардимки, биз учун асосийси аъзолар сони эмас, балки уларнинг амалий ишларидир. Бинобарин, биз ҳаммаслаклар олдига, омма орасига фаол кириб бориш, электоратга янада яқинроқ бўлиш масаласини қўйганмиз.

Туманимизда 20 га яқин кўп тармоқли, йирик фермер хўжалиги иш юритаяпти. Фермерлар ўзлари етиштирган маҳсулотларни қайта ишлашдан ташқари, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш шохобчаларини барпо этганлар. Шунинг ҳисобига 100 га яқин янги иш ўрни яратилди ва асосан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлиги таъминланди. Бунда жойлардаги қуйи ташкилотларнинг, жумладан, бизнинг ҳам муайян ҳиссамиз бор.

Партиявий тарғибот ишларига ҳам жиддий эътибор қаратаяпмиз. Ҳамқишлоқларимизни қизиқтираётган мавзулар бўйича учрашувлар ташкил қилаяпмиз. Қишлоқ мулкдорларини қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган қонунлар, уларнинг ижроси таъминланишида партиямизнинг иштироки каби мавзуларга бағишланган жонли мулоқотлар уюштираяпмиз. Бундан ташқари, фаолларимиз саъй-ҳаракатлари билан депутатлар, маҳаллий бошқарув органлари вакиллари ҳамда мулкдорлар қатнашувчи давра суҳбатлари ўтказилаяпти. Бундай тадбирларда аҳолининг турли қатламлари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга муфассал жавоблар олишаяпти. Энг муҳими, амалий ишлар бизни электоратга янада яқинлаштириб, партиямизга нисбатан ишонч янада мустаҳкамланишига хизмат қилаётир.

# Кўзланган мақсадга эришилди

**Поп туманидаги «Йўл хўжалиги — пудрат-таъмирлаш фойдаланиш» корхонасида фаолият юритаётган БПТ 2013 йили ташкил этилган. Бир ярим йил мобайнида унинг аъзолари 11 нафарга кўпайиб, 17 кишига етди. Бу эса қуйи бўғин ишлари тўғри йўлга қўйилганидан далолатдир**

**Аҳроржон МУСУРМОНОВ,**
«XXI asr»

Яқинда таянч тузилма ташаббуси билан одам савдосига қарши кураш мавзусига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда туман ИИБ, тижорат банклари ва МФЙлар вакиллари, O`zLiDeP фаоллари касб-ҳунар коллежлари битирувчилари олдида сўзга чиқиб, бировларга ишониб хорижга кетишнинг ҳар жиҳатдан хавфли жиҳатлари, одам савдосидан жабр кўрганларнинг аянчли қисматини ҳаётий мисоллар орқали баён этдилар. Шунингдек, мамлакатимизда ёшлар учун яратилаётган кенг имкониятлар, хусусан, ўз дастурига асосан O`zLiDeP давлатнинг яхлит ва талабга жавоб берадиган ёшлар сиёсатини амалга оширишга алоҳида аҳамият қаратаётганлиги, навқирон авлодни тадбиркорликка жалб қилиш бўйича олиб бораётган кўламли ишлари тўғрисида батафсил маълумотлар бердилар.

— Тадбирдан кўзлаган мақсадимизга эришдик дейиш мумкин, — дейди БПТ етакчиси Раҳмониддин Сирожиддинов. — Йигит-қизлар оилавий бизнес, томорқадан фойдаланиш, кредит олиш ва бошқа шу сингари масалалар бўйича кўплаб саволлар беришди. Уларнинг айримлари эса партиявий лойиҳаларда қатнашиш истагини билдирдилар. Таъкидлаш жоизки, «Ишбилармон талаба», «Диплом билан — бизнесга» лойиҳалари тарғиботи бўйича партия юқори ташкилотлари томонидан тумандаги 10 та касб-ҳунар коллежида уюштириладиган махсус тадбирларда бошланғич ташкилотимиз ҳам фаол қатнашади.

## ҚУТЛОВ




# «Ўзбек модели» ҳақида ўзига хос китоб



**Маълумки, мамлакатимиз олимлари, жаҳондаги нуфузли сиёсатчи ва иқтисодчилар, эксперт ва таҳлилчилар Юртбошимиз Ислом Каримов томонидан яратилган, «ўзбек модели» сифатида тан олинган ўзига хос тараққиёт ва ривожланиш йўли, унинг афзалликлари ҳақида шу кунга қадар кўплаб фикрларни билдирдилар.**

**Таниқли тарихчи олим Сотимжон Холбоевнинг яқинда чоп этилган «Миллий мустақиллик ва тараққиётнинг ўзбек модели (методология, инновация, тарихий таҳлил)» номли китобини бу борадаги янги қадам сифатида эътироф этиш мумкин. Зеро, муаллиф ўз асарида кўтарилган асосий мавзуни методология ва глобал инновацион методологик таълимот, шунингдек, тарих фани ва таълим тизими билан узвий боғлиқликда таҳлил ва талқин эта олган.**

**Монографик асарда «ўзбек модели»нинг яратилиш тарихи, ижтимоий-маданий ҳаётда тутган ўрни атрофлича таҳлил қилинган бўлиб, муаллиф томонидан миллий тараққиёт йўлимизнинг мазмун-моҳияти хусусида кўпгина илмий-амалий нуқтаи назарлар илгари сурилган.**

**Шу боис С.Холбоевнинг «Миллий мустақиллик ва тараққиётнинг ўзбек модели» номли китобини ушбу йўналишда изланишлар олиб бораётган соҳа мутахассислари, жумладан, партия фаоллари, БПТ аъзоларига тавсия этамиз.**

# «Насаф тоза сифат» — бошловчиларға хайрихоҳ

**O`zLiDeP таянч нуқталари қанчалик кўпайса, либерал-демократик ғояларнинг таъсир доираси, шунингдек, жойларда партиямиз электоратини ташвишлантираётган айрим масалаларни аниқлаш ва уларнинг ечимини топиш имконияти ҳам шунчалик кенгаяди. Бинобарин, партия Қарши шаҳар кенгаши ғоявий-сиёсий тарғибот ишлари самарадорлигини оширишга янада кўпроқ эътибор қаратяпти. Натижада жорий йилда бир неча тадбиркорлик субъекти, жумладан, шаҳардаги «Насаф тоза сифат» МЧЖда ҳам қуйи бўғинга асос солинди.**

**— Партиявий фаолиятни маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича тўплаган тажрибаларимизни бошловчи тадбиркорлар билан ўртоқлашишдан бошламоқчимиз, — дейди янги БПТ етакчиси Феруз Суюнов. — Яқин кунларда «Пахтазор» МФЙда ишлаб чиқариш йўналишининг ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа ўзига хосликларига бағишланган жонли мулоқот ташкил қиламиз.**

Беҳзод ИСРОИЛОВ.

# Тарғибот кучайтирилаяпти

**АТ «Агробанк» Жиззах шаҳар филиалида фаолият юритаётган бошланғич ташкилотнинг 18 нафар аъзоси сайлов кампаниясининг ҳозирги — масъулиятли палласида тарғибот ишларини кучайтирдилар. Чунончи, БПТ ташаббуси билан шаҳардаги бир неча касб-ҳунар коллежида «Тадбиркорлар фаолияти аҳоли турмуш фаровонлиги юксалишида асосий омилдир» мавзуида давра суҳбатлари ўтказилди. Тадбирларда маҳаллий кенгаш депутатлари, партия туман кенгаши мутасаддилари ва банк мутахассислари юртимизда хусусий сектор вакиллари фаолияти учун яратилган қулай муҳит, O`zLiDePнинг мулкдорлар синфи манфаатлари йўлида амалга ошираётган ишлари хусусида атрофлича маълумот бердилар.**

Исомиддин ҲАМИДОВ,
O`zLiDeP Жиззах вилоят ташкилоти масъул ходими.

# ЖАРАЁН

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Молиявий кўмак иқтисодий тараққиётга хизмат қилмоқда

**Мамлакатимизда саноат корхоналарини модернизация қилиш, уларни техник ва технологик қайта жиҳозлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этмасдан туриб, бозор талабига мос, яъни рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаб бўлмайди. Юртимизда ана шундай лойиҳаларнинг тижорат банклари томонидан қўллаб-қувватланаётгани муваффақиятлар омили бўлаяпти. Бу жараёнда нуфузли молия институтларидан бири — «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкининг Автотранспорт филиали ҳам фаол иштирок этаётир**

**Шаҳзод НАЗАРОВ,**
«XXI asr»



Дарҳақиқат, мазкур филиал кредит маблағларининг салмоқли қисмини йирик саноат корхоналари ва кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришга йўналтирилмоқда. Натижада янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилиб, ички бозор сифатли ва арзон халқ истеъмоли моллари билан тўлдирилмоқда. Жумладан, «Syntetic Invest Technology» масъулияти чекланган жамиятига имтиёзли шартларда кредит ажратилгач, бу ерда замонавий технологик линиялар ўрнатилиб, резинотехника буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Энг асосийси, 100 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.

— «Асака» банкида сифатли, тезкор ва энг асосийси, мижоз талаби ва эҳтиёжига мос кредит сиёсати юритилмоқда, — дейди «Syntetic Invest Technology» масъулияти чекланган жамияти директори Баҳодир Турсунов. — Бу эса қисқа фурсатда лойиҳамизни амалга ошириш ва бошқа молиявий воситалардан тўлиқ фойдаланишда кенг имконият яратаётир. Бугунги кучли рақобат шароитида ички ва ташқи бозордан муносиб ўрин эгаллаш осон эмаслигини яхши биламиз. Яъни, бозорнинг ўзига яраша талаблари бор. Шу боис маҳсулот тайёрлаш жараёнида сифатга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Келгусида банк билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, фаолиятимиз кўламини кенгайтириш ниятидамиз.

Банк филиали томонидан «AL-VAIR» масъулияти чекланган жамиятига ажратилган кредитлар туфайли корхонада полиграфия маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 бараварга ортди. Корхона раҳбари Ирина Синюкованинг таъкидлашича, банк кўмаги ишбилармон-тадбиркорлар учун ўз фаолиятини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир.

Кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида мазкур соҳа мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётида тобора муҳим ўрин эгаллаб бормоқда. Айни пайтда тадбиркорлик одамларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини юзага чиқарувчи восита сифатида ҳам намоён бўлаётир. «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкининг Автотранспорт филиали ҳам хизматлар кўламини кенгайтириш, аҳоли ва тадбиркорларга янги хизмат турларини жорий этишга катта эътибор қаратмоқда. Бундан, айниқса, мижозлар мамнун.

— Бизнинг «Soxil Kommunal Servis» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати Яккасарой туманидаги Қушбеги мавзесида жойлашган бешта 5 қаватли уй-жойга хизмат кўрсатади, — дейди ширкат ижрочи директори Улуғбек Абдиев. — Фаолиятимизни бошлаганимизда уй-жой фонди эски, бошқа муаммолар ҳам кўп эди. Хусусан, томдан чакки оқар, қувурлар ёрилиб иситиш тизими яхши ишламас, электр таъминоти бузилиб турар, лифт тўхтаб қоларди. Ушбу муаммоларни ижобий ҳал этиш учун эса маблағ зарур эди. Шу боис, узоқ ўйлаб ўтирмасдан молиявий кўмак сўраб, республикамиздаги барқарор ва ишончли банклардан бири — «Асака» банкнинг Автотранспорт филиалига мурожаат қилдик. Банк мутахассислари мурожаатимизни тезкорлик билан кўриб чиқиб, зарур маслаҳатлар беришди. Уй-жойларни таъмирлаш ва ободонлаштиришга зарур бўлган қурилиш материаллари олиш учун имтиёзли шартларда кредит ажратилди. Бунинг ҳисобига уй-жойларни, электр, иссиқ ва совуқ сув таъминоти, иситиш тизимини мукаммал таъмирлаб, ободонлаштириш ишларини амалга оширдик.

Таъкидлаш керакки, жорий йилда банк филиали бу борадаги лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу кредит сиёсатида ҳам ўз аксини топган. Бундан кўзланган мақсад — мавжуд ресурсларнинг ликвидлигини сақлаш, сармояларни кредитларга йўналтириш орқали юқори даромадлиликни таъминлашдан иборатдир. Шу боис маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ҳамда турли материаллар ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда фаоллик кўрсатилмоқда.

Кўрилаётган аниқ мақсадли чора-тадбирлар туфайли банкнинг кредит портфели тобора мустаҳкамланиб бораяпти. Пировардида мулкчиликнинг барча шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса, оилавий бизнес ва кичик тадбиркорлик соҳаси вакиллари, экспортчи корхоналар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётир. 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, кредит қўйилмалари ҳажми 254,4 млрд. сўмни ташкил қилди. Эътиборлиси, ушбу маблағларнинг асосий қисмини узоқ муддатли кредитлар ташкил этади.

Банк филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга ўтган йили 81,8 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилиши натижасида 410 тага яқин янги иш ўрни яратилди. Шу аснода кўплаб йигит-қизлар иш билан таъминланди.

Маълумки, тадбиркорлик ривожида моддий рағбат муҳим аҳамият касб этади. Шу боис соҳага йўналтирилаётган кредит ресурслари ҳажмини ошириш ва кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини тубдан яхшилаш каби эзгу мақсадлар банк мутасаддиларининг доимий диққат марказида турган масалалардандир. «Асака» банкнинг Автотранспорт филиали ҳам бу масалага устувор аҳамият қаратиб, жорий йил давомида иқтисодиётнинг етакчи кучига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 105,0 млрд. сўм миқдорида кредит ажратишни режалаштирмоқда. Шу жумладан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 16,0 млрд. сўм, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга 2,0 млрд. сўм, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларига 30,0 млрд. сўм. маблағ йўналтириш кўзда тутилаётир. Зотан, «Асака» банк филиали бундай йирик лойиҳаларни молиялаштириш учун етарлича салоҳиятга эгадир.

Филиал томонидан ҳозирги пайтда ресурс базасини янада мустаҳкамлаш, лойиҳалар таҳлили сифатини яхшилаш, янги молиявий хизматларни жорий этиш борасида фаол ишлар олиб борилмоқда. Шу мақсадда жалб этилаётган кредит линиялари ва банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан ажратилаётган кредитлар ҳажмини кўпайтиришга кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда мамлакатимиз молия бозорини молия муассасаларининг фаол иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Нега деганда, халқ хўжалигини изчил ва барқарор ривожлантириш жойларда пул-кредит муносабатларини намунали йўлга қўйишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Шу маънода «Асака» банкининг Автотранспорт филиали фаолиятида ҳам тилга олса арзийдиган ибратли жиҳатлар кўп. Энг муҳими, хизмат кўрсатишнинг янги, замонавий усуллари амалиётга жорий қилиниб, мижозлар билан манфаатли ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайтирилмоқда. Бу эса белгиланган вазифаларни бажаришда муҳим аҳамият касб этаётир.

## «Мулкдор оила»нинг қамрови кенгаяди



O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш, аҳоли турли қатламлари вакилларини бизнес юритишнинг мазкур шаклига жалб этишга қаратилган «Мулкдор оила-2015» лойиҳасини жорий йилда янада самарали амалга оширишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда лойиҳа ҳамкорлари — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Микрокредитбанк», «Агробанк» ва «Инфинбанк» акциядорлик-тижорат банклари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Ўзбеклизинг Интернейшнл А.О» қўшма корхонаси вакиллари иштирок этишди.

Тадбир қатнашчилари лойиҳа самарадорлигини ошириш, қамровини кенгайтириш бўйича атрофлича фикр алмашдилар. Хусусан, чекка ҳудудларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун мавжуд, лекин етарлича эътибор қаратилмаётган ресурслардан унумли фойдаланиш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Маълумотларга кўра, 2014 йилда мазкур лойиҳада, жумладан, унинг туман босқичларида деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликларга асосланган оилавий тадбиркорлик субъектлари ҳамда ўз бизнесини бошламоқчи бўлган 3723 нафар талабгор иштирок этган. Улардан 975 нафари 30 дан зиёд йўналишда вилоят босқичида қатнашиш имкониятини қўлга киритган. Пировардида 760 нафар иштирокчининг умумий қиймати 18 млрд. 445 млн. 250 минг сўмлик бизнес-режалари молиялаштирилишга лойиқ топилди. Уларга имтиёзли банк кредитини олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Молия муассасалари томонидан 422 нафар лойиҳа иштирокчисига 8 млрд. 290 млн. 687 минг сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Ташкилий қўмита аъзолари баён этилган кўрсаткичларни миқдорий ва сифат жиҳатдан янада яхшилашга келишиб олдилар.

**Хамид КАМАЛОВ,**
**O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходими.**

## Тадбиркор аёллар фаол аъзоларимиз

**O`zLiDeP ғоя ва мақсадларини аҳоли ўртасида тарғиб ва ташвиқ қилиш, маслакдошларимиз сафини кенгайтиришда навоийлик ишбилармон опа-сингилларимизнинг ҳам ҳиссаси бор**

**Мансур АСЛОНОВ,**
«XXI asr»

Вилоятда фаолият кўрсатаётган 17 050 нафар O`zLiDeP аъзосининг 6 863 нафари, тадбиркорлик билан шуғулланувчи партиядошларимизнинг 45 фоизи, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида меҳнат қилаётган маслакдошларимизнинг 56 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Қолаверса, мавжуд 509 та БПТнинг 143 тасини ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан юқори салоҳиятга эга опа-сингилларимиз бошқараётгани вилоятда ушбу соҳада самарали иш олиб борилаётганидан далолатдир.

— Партиямизнинг мақсадларидан бири — оила аталмиш қўрғоннинг мустаҳкам устуни бўлган аёлни илғор фикрловчи, пухта билимга эга фаол шахс сифатида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг ташаббускор иштирокчисига айлантиришдан иборат, — дейди O`zLiDeP Навоий вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Саодат Нарзиева. — Ўз навбатида партия Сайловолди дастурида кўрсатилган муҳим вазифалар ижросини таъминлаш, «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага», «Соғлом оила — мустаҳкам оила» сингари партиявий лойиҳалар доирасидаги тадбирлар юқоридаги мақсадларга хизмат қилишини таъкидлаш жоиз.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, Маънавият-тарғибот маркази, «Она ва бола скрининги» маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, Саломатлик институти, Фермерлар кенгаши каби ҳамкор ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик асосида партия туман ва шаҳар кенгашлари томонидан олиб борилган фаолият самараси ўлароқ, бўлим олдига қўйилган вазифалар ижроси таъминланаётир.

Бунда, энг аввало, мустаҳкам оила асосини ташкил этувчи иқтисодий омиллар таҳлил қилиниб, хусусий бизнес ва оилавий тадбиркорлик фаолиятининг ижобий таъсирини тушунтириш, бола тарбияси билан шуғулланаётган аёлларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишга эътибор берилмоқда. Касаначилик ва миллий ҳунармандчилик йўналишида тадбиркорларга яратилаётган шарт-шароитлар, берилаётган имтиёз ва енгилликлар хусусида соҳа мутасаддиларининг жонли мулоқотлари уюштирилаётганлиги эса партия электорати вакиллари сафи кенгайишига имкон туғдираяпти. Сўзимизга ўтган йилнинг ўзида бўлимимиз томонидан бошланғич партия ташкилотлари ва жамоаларда ўтказилган турли мавзудаги тадбирларга 1,2 минг нафардан зиёд хотин-қиз қамраб олинганини айтиб ўтиш мумкин.

Хулоса ўрнида бўлим томонидан партиянинг хотин-қизларга оид сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш бўйича амалга оширилган кенг қамровли ишлари 2014 йилнинг 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтган сайлов жараёнида ҳам ўзининг ижобий натижаларини кўрсатганини айтиб ўтиш даркор. Хусусан, маҳаллий кенгашларга ташкил этилган 325 та сайлов округига ўз номзодларини кўрсатган O`zLiDeP тўртта сиёсий партия вакиллари ўртасида энг кўп — 93 та округда депутатлик мандатини қўлга киритди. Эътиборлиси, ана шу округларнинг 20 тасида либерал-демократик ғояларни илгари сураётган опа-сингилларимиз ғалаба қозонди.

**«GLOBAL SAVDO FAYZ BUXARA» МЧЖ**
бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосиға таклиф этади!

**Аукцион савдосига:**

Бухоро вилояти, Вобкент туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг 2015 йил 23 февралдаги 20-сонли буюртма хатига асосан бўлимга тегишли бўлган:

1. Бошланғич баҳоси – 450 000 сўм, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80/081 RAA бўлган «Москвич - 412» русумли автотранспорт воситаси;

2. Бошланғич баҳоси – 3 450 000 сўм, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80/082 RAA бўлган «МАТИЗ» русумли автотранспорт воситаси;

3. Бошланғич баҳоси – 3 750 000 сўм, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80/056 KAA бўлган «ВАЗ-21214 НИВА» русумли автотранспорт воситаси;

ҳамда МЧЖ «DAEWOO TEXTILE» хорижий корхонасининг буюртма хатига асосан корхонага тегишли бўлган:

1. Бошланғич баҳоси – 4 600 000 сўм, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80M000004 бўлган «Daewoo Matiz» русумли автотранспорт воситаси;

2. Бошланғич баҳоси – 91 000 000 сўм, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80M000015 бўлган «Daewoo Novus» русумли автотранспорт воситаси;

3. Бошланғич баҳоси – 91 000 000 сўм, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80M000016 бўлган «Daewoo Novus» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

**Аукцион савдоси 2015 йил 6 апрель куни соат 11.00да бўлиб ўтади.**

Юқоридаги мулк 2015 йил 6 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2015 йилнинг 13 ҳамда 20 апрель кунлари соат 11.00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Талабгорлардан аукцион савдоларида иштирок этиш учун аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖнинг Халқ банки Бухоро шаҳар амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт:

**«Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖ.**
Ҳ/р: 20208000405017774001, МФО: 00116, ИНН: 302485226.
**Манзил:** Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй.
**Телефон:** (0365) 221-54-43.
Хизматлар лицензияланган. № 0000034.






# ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ



## Илғор технология ва сара маҳсулот

Қайси бозорга, супермаркету ихчам дўконларга кирмайлик, сара маҳсулотларни кўришга кўзимиз ўрганиб қолди. Айниқса, худди кеча узилгандай ярақлаб турган мевалар ҳавасингизни оширади. Уни етиштирган боғбону фермерларга, қиш чилласида ҳам асл ҳолича сақлаган ишбилармон инсонларга раҳмат айтасиз.

Марғилон шаҳрида жойлашган "Фарғона гўшт-сут савдо" акциядорлик жамияти шаклидаги ҳудудий улгуржи базаси ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини йўқотмаган ҳолда захирада сақлашга ихтисослашган ташкилотлардан бири саналади. Мазкур АЖ бошқаруви раиси, O'zLiDeP фаоли Дилшоджон Абдураҳмоновнинг таъкидлашича, ҳар бири 1,5 тонна сиғимли 8 та камера Германия ва Голландия технологиялари асосида ишлайди. Кейинги йилларнинг ўзида 800 минг евро қийматидаги инвестицион лойиҳа амалга оширилган. Натижада мавжуд иш ўринлари 60 дан 200 тага кўпайди. Корхонада темир йўл вагонлари ва йирик автотранспорт воситаларининг бемалол кириб-чиқиши учун қулай шароит яратилган. Юклаш ва тушириш ишлари замонавий техникаларда амалга оширилади.

Акциядорлик жамияти 2014 йилда аҳолига 15 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот сотди. Шу даврда фаолият самарадорлигини янада ошириш мақсадида ўз маблағлари ҳисобидан 310 миллион сўмлик реконструкция ишлари бажарилди. Музлаткичларни таъмирлашга 151 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

**Солиҳ ЗОИР олган суратлар.**

# Рақамлар кўринишидаги қулайликлар

**2015 йилда солиқ ставкаларининг пасайиши натижасида Қашқадарё вилоятининг ўзида жами 77 млрд. сўмдан ортиқ маблағ солиқ тўловчилар ихтиёрига қолиши кутилмоқда**

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун солиқ тўловлари борасида яратилаётган қулайликлар нафақат мазкур соҳа вакилларининг самарали меҳнат қилиши, балки аҳоли бандлигини таъминлаш, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, экспорт салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

— Сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида хусусий секторни янада ривожлантириш орқали мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлашдек юксак мақсад ётибди, — дейди Қашқадарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Худойберди Холбоев. — 2014 йил 4 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори бу борада ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» ва «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари, шунингдек, Солиқ кодексига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганини айтиб ўтиш жоиз. Жумладан, мазкур кодекснинг 54-моддасида юридик шахслар сингари якка тартибдаги тадбиркорларга ҳам текширувлар натижаси бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, молиявий жарималарни тенг улушларда олти ой давомида тўлаш имконияти яратилди.

Солиқ кодексининг 79, 81, 271-моддаларидаги қўшимчалар эса кўчмас мулкни объектлар бўйича ҳисобга қўйиш, мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини топшириш ва уни тўлашни ушбу мулк жойлашган жойида амалга оширишни назарда тутган бўлиб, ушбу норманинг киритилиши маҳаллий бюджетлар даромад манбаларини янада мустаҳкамлайди. Масалан, Ғузор ва Муборак туманларида фаолият кўрсатувчи йирик нефть-газ корхоналарининг бир қатор мол-мулклари ва объектлари бошқа туманларда жойлашган. Эндиликда бу корхоналар мол-мулки қаерда жойлашган бўлса, солиқни ўша туман бюджетига тўлайди.

Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, ягона ер солиғи бўйича тўловлар муддатларини йилига учтадан иккитага қисқартирилди.

Янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи оила аъзолари томонидан суғурта бадалларини тўлашнинг биринчи муддати давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади.

Аввалги тартибларга кўра, давлат рўйхатидан ўтган якка тартибдаги тадбиркор белгиланган қатъий солиқ ва суғурта бадалини айнан шу ой учун тўлиқ тўлаши лозим эди. Бошқача айтганда, тадбиркор ўз фаолиятини бошламасдан туриб, бир ойлик солиқ юки унинг зиммасига тушарди. Солиқ кодексининг 375-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар эса янгидан рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқнинг биринчи тўловини давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўлаш белгилаб қўйилди.

Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлаган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, олти ой муддатга қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод этилди. Бу эса битирувчига бизнеснинг дастлабки ойларида бозорни тўлароқ ўрганиш имконини яратади.

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига киритилган ўзгартиш микрофирма ва кичик корхоналар ходимларининг энг юқори сонини касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг битирувчилари ишга қабул қилинган ҳолларда 20 фоиздан 50 фоизгача оширилишини назарда тутади. Бу меъёрнинг киритилиши микрофирма ва кичик корхоналарда янги иш ўринларини яратиш, битирувчилар бандлигини ошириш масаласига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига асосан, фойда солиғининг базавий ставкаси 8 фоиздан 7,5 фоизга пасайтирилди. Микрофирма, кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 15 фоизга пасайтирилди. Бунинг натижасида ўрта ҳисобда 35 млрд. сўм маблағ солиқ тўловчилар ихтиёрида қоладиган бўлди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари тоифасига кирувчи қурилиш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилди. Бундан кўзланган мақсад бажариладиган қурилиш ишлари харажатини камайтиришга эришишдан иборатдир.

Умуман олганда, 2015 йилда солиқ ставкаларининг пасайиши натижасида Қашқадарё вилоятининг ўзида жами 77 млрд. сўмдан ортиқ маблағ солиқ тўловчилар ихтиёрида қолиши кутилмоқда.

# Инновацион тараққиёт

**ёхуд замонавий иқтисодиётда илм билан амалиёт уйғунлигини рағбатлантиришнинг долзарб аҳамияти**

**Рисолат МАДИЕВА,** «XXI asr»

Бугун ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни кенг жорий қилиш, маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш каби устувор вазифалар ижросини илм-фан ва инновация ютуқларисиз тасаввур қилиб бўлмайди, албатта. Аммо бирор янгилик, ихтирони амалиётга татбиқ қилиш мураккаб жараён бўлиб, муайян вақт талаб этади.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 7 августда қабул қилинган «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларининг ижроси таъминланиши натижасида юртимизда бу борада талай ютуқларга эришилмоқда.

Айниқса, инновацион лойиҳалар ярмаркалари соҳа вакилларида катта қизиқиш уйғотяпти. Саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, ахборот-коммуникация технологиялари, илм-фан ва таълимга оид юзлаб ишланмалар халқаро талабларга тўлиқ жавоб бериши, экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилгани билан аҳамиятга моликдир.

Инновацион технологияларнинг жорий этилиши натижасида қишлоқ хўжалигида замонавий техника воситалари, кимё саноатида полиэтилен қувурлар, плёнкалар ишлаб чиқарилаётгани, ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш каби илғор усуллар амалиётда яхши самара бермоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари «Ўзкимёсаноат» Давлат акциядорлик компанияси мутахассислари билан ҳамкорликда инновацион лойиҳалар бўйича юқори самарадорликка эга бўлган янги ўғитлар ишлаб чиқиб, уларни саноатга жорий қилиб келаётгани ҳам бир мисолдир.

— Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида янги технологиялар яратилиши натижасида «Аммоний-сульфатфосфат», таркибида азот, фосфор, олтингугурт ва кальций озуқа элементлари мавжуд бўлган «Супрефос» номли ўғитларнинг ишлаб чиқарила бошлангани ўзаро ҳамкорлигимизнинг амалий самарасидир, — дейди Умумий ва ноорганик кимё институти профессори Шавкат Намозов. — Бу ўғитлар республикамизнинг барча фермер хўжаликларида кенг миқёсда ишлатилиб келинмоқда. Айни пайтгача 48 млн. доллар қийматидаги 280 минг тонна «Супрефос» ва 90 минг тонна «Аммонийсульфатфосфат» экспорт қилинди.

Мазкур инновацион лойиҳа асосида жаҳон амалиётида ўхшаши бўлмаган, бойитилмаган фосфоритларни кам меъёрдаги нитрат кислота билан парчалаш орқали, «Нитрофос» ўғити ишлаб чиқариш технологияси ҳам яратилиб, «Самарқандкимё» АЖда тажрибадан ўтказилди. Бу технологиянинг муҳимлиги шундаки, ишлаб чиқаришда жуда паст навли ва арзон фосфорит ишлатилади. Энергия кам сарфланади. Унинг таркибидаги озуқа элементларининг миқдори оддий суперфосфатга нисбатан икки марта кўп. «Самарқандкимё» АЖ корхонаси шу пайтга қадар 130 млрд. сўм қийматга эга бўлган 350 минг тоннадан ортиқ «Нитрофос» ишлаб чиқарди.

Тошкент кимё-технология институтининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси» кафедрасида олиб борилаётган илмий изланишлар ҳам эътиборга лойиқдир.

— Чорвачилик ва паррандачилик учун ем ишлаб чиқаришда қўлланилаётган иккиламчи маҳсулотнинг йирик манбаи — озиқ-овқат саноатидир, — дейди институт кафедра мудири Қамараддин Серкаев. — Чунки бу соҳада катта ҳажмда ўсимлик хом ашёси қайта ишланади. Биз олиб бораётган изланишлардан бири соғин сут ўрнини босувчи маҳсулот олиш мақсадида ёғ-мой саноати чиқиндиси (кунжара) ва шоли чиқиндиси (кепак)ни биотехнологик усулда қайта ишлашнинг самарали йўлини жорий этишга қаратилгандир. Бундай маҳсулотлар мураккаб озуқабоп аралашма ҳисобланиб, таркибида оқсил, ёғлар, углеводлар, тузлар ва витаминлар кўп. Яъни, сигир сутига яқин бўлиб, бузоқларни боқиш жараёнида озуқа рационини тўлдиради ва ёғсизлантирилган сутни бузоқлар озуқа рационида камайтириш имконини беради.

Институт олимлари томонидан яратилган «Балиқчилик учун экологик тоза биотехнология асосида мувофиқлаштирилган озуқа ишлаб чиқаришни ташкил этиш» инновацион лойиҳаси эса республикамизда балиқчилик хўжаликларини янада ривожлантириш, аҳолини сервитамин маҳсулот билан таъминлашга катта ҳисса бўлиб қўшилди. Ҳозирги кунда «Сурхон балиқ» корхонаси билан биргаликда ушбу лойиҳани амалга оширишга ҳозирлик кўриляпти.

Ўрни келганда инновацион тадқиқотлар жараёнига талабаларнинг жалб этилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Масалан, ўтган йили пойтахтимизда бўлиб ўтган VII «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар» республика ярмаркасида Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети талабаси Сирожиддин Насриддиновнинг ғаройиб ихтироси — икки томонлама шаффоф экранли «МХ-1» русумдаги мобиль телефонининг тақдимотини кўпчилик катта қизиқиш билан кузатди. Оригинал дизайнга эга ушбу телефоннинг корпуси зарбга бардош берадиган шишадан тайёрланган бўлиб, шаффоф экран тасвирнинг ҳар икки томонда ҳам акс этишини таъминлайди.

Ёш ихтирочининг таъкидлашича, телефон қуёшдан қувват (махсус наноплёнка орқали ҳамда корпусга ўрнатилган аккумулятор ёрдамида) олади. Шунинг учун унга қўшимча энергия воситаси зарур эмас. Бошқа замонавий телефон аппаратлари сингари сенсорли клавиатурага эга. Янги авлод алоқа воситасининг пастки қисмига чақмоқ (вспишка) ва антенна билан таъминланган web-камера ҳам жойлаштирилган. Айни кунда тахминан 600 АҚШ долларига баҳоланаётган телефонни серияли ишлаб чиқариш имкониятлари ўрганиб чиқилмоқда.

Косон компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи битирувчиси Беҳруз Холиёровнинг «Газогенератор — қишлоқ хўжалик чиқиндилардан ёқилғи маҳсулотларини олиш» инновацион лойиҳаси эса O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан ўтказилиб келинаётган «Ишбилармон талаба» танловида ғолиб деб топилди.

— Ер юзида иссиқлик энергиясига талаб кун сайин ортиб бормоқда, — дейди ғоя муаллифи. — Шу боис энергиянинг муқобил манбаларини излаб топишнинг аҳамияти каттадир. Мен яратган қурилма эса ёғоч қипиғини қайта ишлаш натижасида ёнилғи маҳсулотларини ажратиб олади. Мазкур лойиҳа ишлаб чиқаришга жорий этилса, қишлоқ хўжалиги чиқиндиларини қайта ишлаш мумкин бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, илм-фан ютуқларига асосланган соҳа умумиқтисодиётнинг ажралмас қисми сифатида эътироф этилаётган экан, жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллаш, мамлакатни янада юксалтиришда инновация ва инновацион технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этаверади.

## Имтиёзли кредит учун сертификат

**Бухорода Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «БАНК-ЭКСПО-2015» миллий кўргазмаси ташкил этилди.**

**Таъкидланганидек, 2014 йилда вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун тижорат банклари 414 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирган. Аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоятдаги молия муассасалари томонидан жами 42 млрд. сўм ажратилган бўлса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-режаларига 15 млрд. сўм миқдорида кредит берилди. Бу эса 2012 йилдагига нисбатан тўрт баравар кўпдир.**

**Тадбир якунида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ йўналишлар бўйича тақдим этилган энг яхши лойиҳаларнинг эгалари — турли танловлар ғолибларига умумий миқдори 600 млн. сўмга тенг имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.**

Ўз мухбиримиз.

# ISO:9001га мос сифат

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юксак самаралар бермоқда. Хусусан, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари тобора кенг кўлам касб этмоқда. Буни Бухоро вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин**

**Носир ТОШЕВ,**
**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI asr»

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вилоят бош бошқармаси бўлим мудири Ботир Қурбоновнинг таъкидлашича, ўтган йили яратилган янги иш ўринларининг 60312 таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келди. Энг муҳими, уларнинг аксарияти қишлоқ ҳудудларидадир. 2014 йили шаҳар ва туманларда жами 124 та меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, 5535 нафар киши ишга жойлаштирилди. Бундай тадбирлар давомида фуқароларга касбий маҳорат, меҳнат қонунчилиги ва бошқа масалалар юзасидан тегишли маслаҳат ҳамда тушунтиришлар берилаяпти.

Бандлик даражасини ошириш учун касаначилик имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. 2007-2014 йиллар давомида 42075 киши шу асосда ишга жойлаштирилди. Уларнинг аксарияти хотин-қизлар. Айни кунда бизнес соҳасида фаолият юритаётганларнинг жами сони 60312 нафарни ташкил этади. Бу — меҳнат билан банд бўлган аҳолининг 81 фоизи, демакдир.

Жойларда замонавий сервис хизматларини йўлга қўйиш, жумладан, ёқилғи қуйиш шохобчалари, савдо дўконлари ва бошқа иншоотларни барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчилик ривожлантирилиб, ёрдамчи хўжаликлар тармоғи кенгайтирилаётир. Жумладан, манзилли ҳудудий дастур асосида 2007-2013 йиллар давомида яратилган иш ўринлари сони 473703 тани ташкил этди. Улардан 194198 таси кичик бизнес, 231013 таси касаначилик соҳасига тааллуқлидир.

— Ўз фаолиятимни томорқада сабзавот маҳсулотлари етиштириб сотишдан бошлаганман, — дейди Қоровулбозор туманидаги «Карима Азиз» қурилиш-сервис фирмаси раҳбари Карима Аллаева. — Қулай шарт-шароит, яратилган имкониятлар ғайратимизга-ғайрат қўшди. Тушган даромад ҳисобидан мўъжазгина озиқ-овқат дўкони очиб, бизнес фаолиятини йўлга қўйдик. Кейинчалик миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, умумий овқатланиш мажмуаси ва тикув цехини барпо этишга оид лойиҳаларимиз мутахассислар томонидан истиқболли, деб топилди. Шу тариқа банкнинг 90 млн. сўм миқдоридаги имтиёзли кредити эвазига туман марказида 2 қаватли замонавий савдо уйини барпо этдик. Ҳозирги пайтда ушбу мажмуада 12 та янги иш ўрни яратилган. Гўзаллик салони, электрон тўлов шохобчаси, тикувчилик устахонаси, ошхона, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат дўконлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Келгусида бинонинг юқори қаватида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик корхона ташкил этишни режалаштиряпмиз.

Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Жумладан, ғуждувонлик тадбиркор Гулбаҳор Жўраева Халқ банки бўлимидан олинган 20 млн. сўм кредит эвазига «Улуғбек Нурия бахти» кичик корхонасини ташкил этиб, бир неча тикувчи аёлларни иш билан таъминлаган бўлса, ушбу туманда истиқомат қилаётган Шоира Отамуродова «Микрокредитбанк»дан ажратилган 9 млн. сўм кредит ҳисобига аёллар сартарошхонасини очди.

Таъкидлаш жоизки, янги ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш, мавжудларини модернизациялаш, якка тартибдаги оилавий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига Бухоро ва Когон шаҳарлари, Ғиждувон, Шофиркон, Пешку, Ромитан, Бухоро, Вобкент туманларида салмоқли натижалар қўлга киритилмоқда.

> **— ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТ, ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАР ҒАЙРАТИМИЗГА-ҒАЙРАТ ҚЎШДИ. ТУШГАН ДАРОМАД ҲИСОБИДАН МЎЪЖАЗГИНА ОЗИҚ-ОВҚАТ ДЎКОНИ ОЧИБ, БИЗНЕС ФАОЛИЯТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙДИК.**

«Бухоро вилоятини 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш комплекс дастури»га мувофиқ 2014 йилда 217,3 млрд. сўм ёки 50 минг АҚШ доллари миқдоридаги 1540 та лойиҳа амалга оширилиши туфайли 10813 та янги иш жойлари яратишга муваффақ бўлинди. Гап бандлик масаласи хусусида кетар экан, Бухоро шаҳридаги сутни қайта ишлаш, нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган «Сул-Шер-Жаҳон» хусусий корхонаси, «Паскуаль» масъулияти чекланган жамияти фаолиятини алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз.

— Дастлаб жамоамиз ўн кишидан иборат эди, — дейди «Паскуаль» МЧЖ раҳбари Баҳриддин Исмоилов. — Айни кунга келиб улар сони 75 нафарга етди. Бир неча турдаги нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрлаб, истеъмолчиларга пешма-пеш етказиб бераяпмиз. «Ҳамкорбанк»нинг вилоят бўлимидан олинган 75 млн. сўм миқдоридаги кредит фаолиятимизни йўлга қўйишда жуда қўл келди. Кейинчалик 450 млн. сўм ҳажмидаги кредит эвазига янги технологик линияни ўрнатишга муваффақ бўлдик. Маҳсулотларимиз сифатининг ISO:9001 халқаро стандартига тўла мос келгани янги ютуқлар сари руҳлантирмоқда.

Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга эришаётган корхоналардан яна бири Когон туманидаги «Парравшантранс» масъулияти чекланган жамиятидир. Халқ депутатлари туман кенгаши депутати Абдулазиз Равшанов раҳбарлигидаги ушбу корхонада қатъий меҳнат интизоми йўлга қўйилган. «Асака» банкнинг 383 млн. сўм миқдоридаги кредити бу ерда парвариш қилинаётган паррандалар бош сонини бир неча бараварга ошириш имконини берди. Германиянинг «Хелмон» компаниясида ишлаб чиқарилган махсус ускуналар жамоа мушкулини осон қилмоқда. Айни пайтда корхонада 38 минг бош жўжа боқилаяпти. Паррандачилик маҳсулотлари — тухум, парҳез гўшт деҳқон бозорлари, озиқ-овқат дўконларига пешма-пеш етказиб берилмоқда. Энг муҳими, 14 киши доимий иш билан банд.

Истиқболли лойиҳалар асосида фаолият юритаётган корхоналардан яна бири — Бухоро туманидаги ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Маданият–Артекс» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси бўлиб, «Ипотека банк»нинг 2,5 млрд. сўм миқдоридаги узоқ муддатли кредити замонавий йигирув дастгоҳларини ўрнатиш ва қўшимча 25 та иш ўрни барпо этиш имконини берди.

— Лойиҳа қуввати тўлиқ ўзлаштириб бўлингач, йигирув, тўқув ва бошқа ёрдамчи цехларга жами 90 киши жалб қилинади, — дейди корхона раҳбари Ориф Чориев. — Ўтган йили 1 млрд. 700 млн. сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришдик. Шунингдек, хорижий ҳамкорларга 700 минг АҚШ доллари миқдорида сифатли ип-калава етказиб берилди.

# СЎНГГИ САҲИФА







XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ:** Озод РАЖАБОВ.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Буюртма рақами: S 2307 Тираж: 17131

Баҳоси келишилган нархда.

Топширилди — 20:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материалларига таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X

Навбатчилар: Ш.ХЎЖАЕВ, Ш.РАҲИМОВ.